Ватанни севмак иймондандур!

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 25 октябрь, сешанба | №159 (21.733) | Сотувда эркин нархда.

## ИСЛОМ КАРИМОВ ХХРга ЖЎНАБ КЕТДИ

24 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ХХР Раиси Цзянь Цзэмин таклифига биноан давлат ташрифи мақомида Хитой Халқ Республикасига жўнаб кетди.

Ўзбекистон Президенти сафар мобайнида мамлакат пойтахти Пекинда ХХР Раиси Цзянь Цзэмин билан учрашади. Хитойнинг йирик шаҳарларидан бири бўлган Шанхайдаги саноат корхоналарига, эркин иқтисодий ҳудудларига ташриф буюради.

Ўзаро музокаралар ниҳоясида Ўзбекистон Республикаси билан ХХР ўртасидаги консуллик шартномаси ҳамда ўзаро муносабатларнинг асосий принциплари, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги баённома имзоланиши кутилмоқда.

Тошкент аэропортида Президент Ислом Каримовни республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Ғуломов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолганлар орасида ХХРнинг Ўзбекистондаги муваққат ишлар вакили Тянь Шиҳуэй ҳам бор эди.

(ЎзА).

## ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Пекин, 24 октябрь. (ЎзА махсус мухбири Қулман Очил хабар қилади). Кузги ёмғирлардан "зериккан" Пекин Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва унинг рафиқасини фавқулодда ва сержило офтоби билан жуда илиқ кутиб олди. 11 миллион нуфусли қадим шаҳар кўчалари байрамона безатилган. Мустақил республикамизнинг гўзал байроғи, самимий сўзлар битилган ранг-баранг шиорлар, шодон чеҳралар шаҳар кўркига кўрк қўшган.

Мамлакатимиз раҳбарини хушнуд қаршилаётган хитойликлар қўлида озод Ватанимиз тимсоли — Ўзбекистон байроғини кўриш айниқса қувончли. Ислом Каримовнинг ХХРга давлат ташрифи мақомида иккинчи сафари ана шундай кўтаринки руҳда бошланди.

Пекиннинг машҳур "Тяньаньмэн" (самовий сокинлик) майдонида Президентимиз ва унинг рафиқасини расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. ХХР Раиси Цзянь Цзэмин ва Хитойнинг бошқа раҳбарлари мамлакатимиз Президенти истиқболига пешвоз чиқдилар. Олий мартабали меҳмонга анвойи гуллар тақдим этилди. Ҳарбий қоровул саф тортди. Икки мамлакат давлат мадҳиялари янгради.

Сўнг халқ вакилларининг мажлислар уйида Ислом Каримов билан ХХР Раиси Цзянь Цзэмин ўртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди. Шундан сўнг делегацияларнинг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди. Ушбу музокаралар давлатлараро расмий ҳужжатлар имзоланиши маросими билан якунланди.

Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг асосий принциплари, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги баённомани Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва ХХР Раиси Цзянь Цзэмин имзоладилар. Икки мамлакат ўртасидаги консуллик шартномасига эса Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов ҳамда ХХР ташқи ишлар вазири Цянь Чичень имзо чекдилар. Қабул қилинган ушбу ҳужжатлар иккі мамлакат ўртасидаги қадимий алоқаларнинг янада ривожланишига янги имконятлар очиши шубҳасиз.

Ўзбекистон Президентининг ХХРга давлат ташрифи давом этмоқда.

(ЎзА).

## БМТНИНГ 49 ЙИЛЛИГИ НИШОНЛАНДИ

24 октябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тошкентдаги ваколатхонасида БМТ ташкил топганининг 49 йиллиги муносабати билан қабул маросими бўлди. Маросим бошланиши олдидан БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик журналистларнинг саволларига жавоб қайтариб, ушбу нуфузли ташкилотнинг юзага келиши ва жаҳон ҳамжамияти ҳаётида муҳим ўрин эгаллаши энг аввало шу жаҳон халқларининг ютуғи эканини таъкидлади.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов нутқ сўзлади:

— БМТнинг давлатлараро тинчлик ва ҳамжиҳатликка қўшаётган ҳиссаси жуда улкандир, — деди Бош вазир. — БМТ жаҳон халқларининг муштарак мақсадлари рамзига айланди. Мустақилликка эришганимиздан буён ўтган қисқа муддат мобайнида БМТ билан ҳамкорлигимиз самарали натижалар бергани ёш республикамизнинг ер юзида тинчликни сақлаш учун ҳамиша ўз ҳиссасини қўшишга тайёр эканини кўрсатди.

Қабул маросимида турли давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари раҳбарлари ҳамда халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг вакиллари иштирок этди.

(ЎзА).

## НОМЗОДЛАР КЎРСАТИЛДИ

Халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгашининг сессияси бўлди. Унда вилоят ҳокими Мавлон Раҳмонов Олий Мажлисга ва маҳаллий кенгашларга бўладиган сайлов, уни уюшқоқлик билан демократик асосда ўтказиш юзасидан жойларда кўрилаётган тайёргарлик хусусида ахборот берди. Сессияда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 20-ва 22-моддасига мувофиқ вилоятдаги 14 та сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатилди.

Олий Мажлис депутатлигига номзоди кўрсатилганлар орасида таниқли олим, ҳуқуқшунос, муҳандислар, халқ хўжалигида ўтказилаётган ислоҳотни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган турли соҳа вакиллари бор.

Сессияда республика Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. Бугров сўзга чиқиб, бўлажак сайлов арафасида қилиниши лозим бўлган ишлар, хусусан, сайлов комиссиялари зиммасига улкан масъулият юклатилгани, уларнинг вазифалари, ҳуқуқлари ҳақида гапирди.

(ЎзА).

## ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Термизда халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокими Жўра Норалиев бошқарди. Сессияда Олий Мажлис депутатларига номзодлар кўрсатиш масаласи кўрилди.

Маълумки, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 20- ва 22-моддасига асосан сиёсий партияларнинг юқори органлари ҳамда халқ депутатлари вилоят кенгашининг сессиялари Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига эга. Сессияда вилоятдаги сайлов округлари бўйича Олий Мажлис депутатлигига номзодлар маъқулланди. Улар орасида вилоят меҳнаткашларининг турли вакиллари бор.

Вилоятда мамлакат парламентига, вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўлажак сайловга қизғин тайёргарлик кўриляпти. Сайловни ўтказиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун тузилган ишчи гуруҳи унда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган партияларга сайловда ўз дастурлари ва шиорлари билан қатнашиш учун тенг шарт-шароит яратмоқда.

Сессия муҳокамасига киритилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. Бугров сўзга чиқди.

(ЎзА).

## ҲАМДЎСТЛИК МУСТАҲКАМЛАНАДИ



Суратларда: учрашувдан лавҳалар.

Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Иқтисодиётни тезроқ тангликдан олиб чиқиш — Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар учун муҳим ҳаётий масаладир. Шу сабабли МДҲга аъзо давлатлар бошлиқларининг 21 октябрда Москвада бўлиб ўтган навбатдаги кенгашида ўзаро интеграцияни кенгайтириш, муаммоларни ҳамжиҳатликда ҳал этишга амалий ёндашилди.

Тўғри, МДҲ давлат бошлиқларининг аввалги ўн беш учрашувида ҳам худди мана шу мавзу кўтарилган, ҳамкорликнинг ҳаётий зарурати сифатида 1993 йилда иқтисодий иттифоқ ҳам тузилганди. Бироқ, МДҲ доирасида имзоланган 250 дан ортиқ ҳужжат деярли қоғозда қолиб кетди. Бунинг асосий сабаби ўзаро иқтисодий алоқалар механизми пухта ишлаб чиқилмаганида эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бу муаммо иқтисодий алоқаларнинг ривожига ғов бўлаётганини бир неча бор таъкидлади.

Бу галги учрашувнинг аҳамияти шундаки, унда иқтисодий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари ва амалга оширилиадиган муҳим ишларнинг истиқбол дастурини ўзида акс эттирган меморандум имзоланди. Ҳужжатда МДҲга аъзо барча давлатлар иқтисодиётидаги тангликни бартараф этиш, уларни юксалтиришнинг муҳим омили бўлган ўзаро самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш асосий йўналиш экани айтилган.

Ишни сиёсий устқурмадан бошлашни таклиф этаётган Евроосиё ва бошқа турли иттифоқ тарафдорларидан фарқли равишда, давлатимиз раҳбари аввало иқтисодий алоқаларни кучайтириш, қўшма корхоналар қуриш, божхона каби сунъий тўсиқлардан халос бўла бориш ҳамкорликнинг самарали ва тўғри йўли эканини таъкидлаб келди.

"Иқтисодий ҳамкорлик истиқбол режаси"да белгиланган тадбирлар, жумладан, божхона иттифоқини вужудга келтириш қайд этилгани МДҲ давлат раҳбарларининг Президентимиз таъкидлаган йўлни маъқул топганидан дарак беради. Кенгаш иштирокчилари божхона иттифоқини барпо этишда мамлакатларда эркин савдо ҳудудлари барпо қилиш дастлабки қадам бўлишини маъқулладилар

Тўловларнинг ўз вақтида амалга ошмаётгани ўзаро алоқаларнинг ривожига тўсиқ бўлаётгани барчага аён. Ана шу муаммони ҳал қилиш мақсадида давлат раҳбарлари тўлов иттифоқини тузиш тўғрисида битим имзоладилар. Бу муҳим ҳужжатда миллий валюталар мустақиллигини тан олиш асосий тамойил экани таъкидланган. Бу битим ижтимоий аҳамиятга эга тўловлар, жумладан, нафақалар, алиментлар ва бошқа тўловларнинг у мамлакатдан бу мамлакатга тўсиқсиз ўтишини назарда тутади. Кейинчалик валюта иттифоқи тузиш имкониятлари мавжудлиги, илмий- техник ҳамкорлик, ҳарбий соҳада, тинчликни таъминлаш борасида, инсонпарварлик ва ижтимоий соҳаларда ва ниҳоят, ташқи сиёсатни амалга оширишда ҳаракатларни мувофиқлаштириш ҳам истиқбол режасида қайд этилган. Бу албатта, товарлар, сармоялар, хизматлар ва ишчи кучларй умумий бозорини яратишга имкон беради.

МДҲга аъзо давлатлар бошлиқларининг катта Кремль саройининг Екатерина залида бўлиб ўтган кенгашида ва делегациялар аъзолари иштирокидаги ялпи мажлис чоғида иқтисодий алоқаларни мувофиқлаштиришга катта эътибор қаратилди. Унда давлатлараро иқтисодий қўмитани тузишга қарор қилинди, Иқтисодий кенгашнинг Москвада жойлашадиган бу тузилмаси режалаштирилган ишларнинг амалга оширилишини таъминлайди, бу йўлда пайдо бўлган муаммоларнинг зудлик билан ҳал этилишига, охир оқибатда эса МДҲ давлатлари интеграция жараёнининг жадаллашишига кўмаклашади.

Навбатдаги кенгаш чоғида коллектив хавфсизлик ва МДҲ давлатларидаги "оловли нуқталар"да тинчликни таъминлаш масалаларига, жумладан, Тожикистон муаммосига ҳам алоҳида эътибор берилди. Иштирокчилар МДҲ давлат бошлиқлари кенгашининг "Тожикистоннинг Афғонистон билан давлат чегараси ҳудудидаги вазиятни барқарорлаштириш тадбирлари тўғрисида"ги 1993 йил 22 январь қарорининг амал қилиш муддатини 1995 йил охиригача узайтиришга аҳд қилдилар. МДҲ тинчликни таъминлаш коллектив кучларининг Тожикистонда бўлиши эса 1995 йил 30 июнгача узайтирилди. МДҲ давлат раҳбарлари Тожикистондаги мухолиф томонлар ўртасида шу йилнинг 17 сентябрида Теҳронда қабул қилинган битимни қўллаб-қувватлашларини билдирдилар. Маълумки, БМТ яқинда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кузатувчи мақомида халқаро ташкилот ишида иштирок этиши мумкинлигини билдирди. Шу боис МДҲ давлат раҳбарлари учрашувда халқаро ташкилотларда МДҲ вакиллигини амалга ошириш тадбирлари хусусида келишиб олдилар ва ташқи ишлар вазирлари кенгашига бу борада амалий иш олиб боришни топшириллар.

Жаҳондаги тараққийпарвар инсоният келгуси йили фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллигини нишонлайди. МДҲ давлатлари учун бу сана айниқса қадрлидир. Чунки, турли халқлар фарзандлари бу шонли ғалаба учун жонларини фидо қилдилар. Уруш қурбонларига ҳурмат бажо келтириш, МДҲ мамлакатлари халқларининг маънавий бирлигини мустаҳкамлаш мақсадида Ғалабанинг 50 йиллигини нишонлаш юзасидан тадбирлар белгиланди. Улар орасида бедарак йўқолган аскарлар тақдирини аниқлаш юзасидан изланишлар олиб бориш, ҳалок бўлганлар хотирасини абадийлаштириш, хотира китоби чоп этиш каби тадбирлар мавжуд.

Учрашувда МДҲ давлат бошлиқларининг навбатдаги кенгашини шу йил декабрь ойида Алматида ўтказишга келишилди.

***

21 октябрь куни МДҲ давлат бошлиқларининг навбатдаги учрашувида иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Москвадан Тошкентга қайтиб келди.

Тошкент аэропортида Президент Ислом Каримовни республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Ғуломов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

**Амирқул КАРИМ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Тошкент — Москва — Тошкент.**

## АҚШ ТАДБИРКОРЛАРИ — ТОШКЕНТДА

24 октябрь куни "Ўзбектуризм" миллий компаниясида Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган ОПИК (хориждаги хусусий сармоялар бўйича корпорация) миссияси аъзолари билан учрашув бўлди. Унда ОПИК раҳбарияти, АҚШнинг йирик компаниялари вакиллари ва республикамизнинг молия, хусусий сектор ва бошқа соҳа мутахассислари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Бахтиёр Ҳамидов учрашувда АҚШ ҳукумати томонидан уюштирилган ушбу миссияни Ўзбекистонга ташрифи билан қутлади. Меҳмонларга мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳот ҳамда хорижий сармояларни ҳимоялаш борасида кўрилган тадбирлар хусусида сўзлаб берди.

— ОПИКнинг мазкур миссияси таркибида Американинг 12 компанияси вакили бўлиб, улар Ўзбекистондаги хусусий сектор корхоналари билан ҳамкорликка тайёрдирлар, — деди ОПИК вице-президенти Роберт Драггон. — Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги, нефть ва газ, тоғ-кончилик саноати соҳаларида кенг имкониятларга эга экан. АҚШ тадбиркорларининг қизиқишини орттирмоқда. Шу боис ҳам корпорациямиз Ўзбекистон билан кенг кўламли ҳамкорлик учун кўплаб лойиҳалар тайёрламоқда.

АҚШ ҳукумат агентлиги — ОПИК Америка компанияларининг бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар хусусий секторига сармоя киритиши учун кўмак беради ва уларнинг фаолиятини мазкур давлатлар ҳукуматининг иқтисодий сиёсати билан мувофиқлаштиради. Мазкур миссиянинг мамлакатимизга ташрифи АҚШ компанияларининг Ўзбекистондаги хусусий секторга сармоя сарфлаши ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиши учун кенг имкониятлар очиши шубҳасиздир.

Мунозаралардан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов ва ОПИК вице-президенти Р. Драггон журналистлар билан учрашиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Учрашувда Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Генри Лии Кларк иштирок этди.

(ЎзА)

*Биз ким, мулки Турон*

## БАҲАМЖИҲАТЛИК ЙЎЛИДА

Яқинда Қирғизистон Республикасининг ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссияси ташаббуси билан Бишкекда Марказий Осиё республикалари оммавий нашрлари ходимларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистон ва Қирғизистон журналистлари, қатор газета ва журналларнинг раҳбарлари, шунингдек, ЮНЕСКО вакиллари иштирок этишди.

— Ҳозир минтақамиздаги мустақил давлатлар олдида, — деди йиғилишни очаркан Қирғизистон Республикасининг ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссияси бош котиби Адаш Токтосунова, — катта вазифалар турибди. Уларнинг муваффақиятли ечими журналистларнинг иқтидори, малакасига ҳам боғлиқ. Ҳозирги мураккаб шароитда олдимизда ўзаро тажриба алмашиш, умумматбуот олдида турган муаммоларни ҳал қилишда баҳамжиҳатлик билан ишлашдек муҳим вазифалар мавжуд. Шу мақсадда Марказий Осиё журналистлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимларининг халқаро уюшмаси тузилди. Ушбу нодавлат уюшманинг бош мақсади минтақадаги оммавий ахборот воситалари, шунингдек, журналистлар ўртасидаги алоқани янада кучайтириш, уларга техник жиҳатдан ёрдам кўрсатиш, айрим соҳалар бўйича семинар ва конференциялар уюштириш, баъзи оммавий ахборот воситаларидаги илғор тажрибаларни кенг ёйиш, ўзаро ахборот алмашишдан иборат. Шуни таъкидлаш жоизки, уюшма бирор бир давлатнинг ички ишларига асло аралашмайди. Яъни у сиёсатдан холис бўлиб, асосан касб маҳорати билан боғлиқ масалаларга эътиборни қаратади.

Уюшма қароргоҳи — Бишкек шаҳри. Кейинчалик ҳар бир давлатда бўлинмалар очилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон делегацияси аъзоси, Ўзбекистон Республикаси матбуотини қўллаб-қувватловчи жамғарма бошқарувининг раиси, "Ўзбекистон матбуоти" журналининг бош муҳаррири Зиед Есенбоевнинг чиқиши йиғилиш аҳлида катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан ташкил этилган бундай жамғарма МДҲда фақат бизнинг мамлакатда мавжуд. "Бу эса, — дейишди йиғилганлар, — юртингизда оммавий ахборот нашрларига бўлган муносиб эътибордан дарак бериши шак-шубҳасиз ва минтақамиздаги қолган давлатлар ҳам Ўзбекистоннинг ушбу тажрибасини қўлланса, нур устига аъло нур бўларди..."

Мамнуният билан шуни таъкидлаш жоизки, йиғилиш аҳли, минтақадаги таниқли журналистлар бизнинг мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларга муносиб баҳо беришди.

**А. ПЎЛАТОВ.**

## ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

### ТИНЧЛИКНИ КЎЗЛАБ

• 24 октябрь куни, яъни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тащкил этилган кунда тинчлик мақсадидаги йирик тадбир бўлиб ўтди.

Бу йирик жамоат арбоби Шри Чинманинг ташаббуси билан ўтказилаётган "Тинчлик учун етти дақиқа сиғиниш" деган тадбирдир. Бу тадбир 1984 йилдан бери анъанавий равишда ўтказиб келинади. Бунда Ер юзидаги барча аҳолига етти дақиқа давомида сиғиниш маросими ўтказиш тавсия этилади.

### ҚАЛБАКИ ТИЛЛА ФОШ ЭТИЛДИ

• Малайзия полицияси Селангор штатида 200 кг қалбаки олтинни қўлга тушириб олди.

Қалбаки тилла тайёрловчи, 54 ёшли фуқаронинг айтишича, у олтин қуйишни ўзининг саройида бир йил аввал бошлаганди. У ярим тоннадан ортиқ қалбаки тилланинг ҳар килограммини 5,5 минг доллардан сотиб улгурган.

### ҲАРБИЙ ВАЗИР КЕЧИРИМ СЎРАДИ

• Анголанинг мудофаа вазири ўз ҳукумати номидан Заирдан кечирим сўради.

Чунки Ангола ҳарбий ҳаво кучлари самолётлари Заирдаги Китон базасига кириб келиб хатога йўл қўйишди. Машқ пайтида анголалик учувчи Заирдаги базага бомба ташлаган. Бунинг оқибатида заирлик бир ҳарбий хизматчи ҳалок бўлиб, бир неча киши ярадор бўлган.

### КЎПРИК ҚУЛАДИ

• Ўтган жума куни куннинг энг қизғин палласида Сеулдаги, "Сонсу" деб аталган кўприк қулаб тушди.

Кўприк бўйлаб келаётган йўловчиларга тўла автобус, шунингдек, бир неча автомашина сувга чўкиб кетди. Ушбу тасодиф туфайли 48 киши ҳалок бўлди.

### ЖАЗО ЧОРАЛАРИНИ БЕКОР ҚИЛИШ ЙЎЛИДА

• Ал-Қувайт. Ироқ парламенти Президент Саддам Ҳусайннинг Ироққа нисбатан қўлланаётган халқаро жазо чораларини бекор қилишга қаратилган ўринишларини қўллаб-қувватлайди.

Парламент раиси Саъади Маҳдий Солиҳ миллий кенгашнинг фавқулодда мажлисида шуни маълум қилди.

### БИТИМ ИМЗОЛАНИШИ КЎЗДА ТУТИЛМОҚДА

• МОСКВА. Покистон Бош вазири Беназир Бхутто шу йилнинг декабрь ойида Россия Федерациясига ташриф буюради.

Покистоннинг Москвадаги элчиси Танвар Аҳмад Хон журналистларга шу ҳақда хабар қилди. Унинг сўзларига қараганда, бу ташриф икки давлат ўртасидаги алоқаларнинг янада ривожланишига туртки бўлади, Осиёда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишига муҳим ҳисса қўшади.

### РАҲБАРНИ ҚУВВАТЛАШДИ

• ПХЕНЬЯН. КХДР марказий газеталари мамлакат аҳолисини партия, давлат ва армияга бошчилик қилаётган Ким Чен Ир раҳбарлигини қўллаб-қувватлашга чақирди, деб хабар беради РАТА-ТАСС мухбири.

Газеталарнинг таъкидлашича, "Буюк йўлбошчи" Ким Чен Ир раҳбарлик қилсагина Корея инқилобининг ғалабаси кафолатланади, марҳум доҳий Ким Ир Сеннинг васиятлари амалга ошади.

### БОШ МЕЪМОР ҚАЕРДА!

• ХХР Ташқи ишлар вазирлиги вакили "Хитой ислоҳотларнинг отаси", собиқ раҳбар, 90 ёшли Дэн Сяопиннинг саломатлиги юзасидан баёнот берди.

Вакил Дэн Сяопиннинг соғлиғи ёмонлашгани ҳақида тарқалган хабарларни рад этиб, унинг саломатлиги жуда яхши эканини айтди. Бироқ, баёнотда ислоҳотларнинг бош меъмори қозир қаерда экани айтилмади.

**(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).**

# Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганлигининг уч йиллигига

# КАМАРБАСТАМИЗ

Йиғим-терим бошланганидан буён партия ташкилотларимизнинг жанговарлиги, партия аъзоларимизнинг ташаббускорлиги янада ортди. Биргина бизнинг туман кенгашимиз ҳисобида турадиган ҳар уч нафар партия аъзосидан бири қўнгиллилар сафида пахта теримига отланди. Бугунги кунда 1110 нафар партия аъзосидан 308 нафари теримда иштирок этмоқда. Бу ҳисобга терим машиналарини бошқараётган 62 нафар, ташиш уловлари билан пахта ташиётган 34 нафар механизаторни қўшганимиз йўқ. Рақамлардан кўриниб турибдики, туманимиз бўйича бу йил давлатга сотиладиган 31 минг тонна "оқ олтин"да партия аъзоларимизнинг ўз муносиб улушлари бўлади.

Туман партия кенгаши йиғим-теримнинг биринчи кунидан бошлабоқ мавсумни муваффақиятли ўтказишга қаратилган махсус тадбир ишлаб чиққан эди. Шу тадбирга кўра, кенгаш раҳбарлари, партия фаоллари, бошланғич ташкилотларнинг котиблари аҳолини йиғим-теримга сафарбар этиш учун маҳалла ва қўчаларга биркитиб қўйилди. 50 нафардан зиёд тарғиботчи ва ташвиқотчи аҳоли орасига йўл олди. Кенгашимиз йиғим-терим масъулиятини туман ҳокимлиги билан тенг зиммага олди. Туман ҳокимлиги бизни тўғри тушуниб, ҳар томонлама қўллаб-қувватлай бошлади. Қатор тадбирларни ўтказишда бизга таянадиган бўлди. Гапнинг очиғи, бундан туман ҳокимлиги, партия кенгаши ва халқ ўртасида ажиб аҳиллик вужудга келди. Буни шу кунлардаги меҳнат натижаларидан ҳам кўриш мумкин.

Шу кунгача партия аъзолари бош бўлган 42 та звенонинг ярмидан кўпи йиллик режани бажарди. Биринчи бўлиб Собир Раҳимов номли ширкатлар бирлашмасидаги Ҳабибулла Абдуғаффоров бошлиқ звено жамоаси ғалаба муждасини келтирган эди. Биз у кишини астойдил қутладик. Айниқса, режани биринчи терим ҳосили билан уддалагани, ҳар гектар майдондан 28,5 центнердан ҳосил кўтаргани ҳаммани қувонтириб юборди. У бошлиқ звенода ҳозир иккинчи терим бошланди. Звено чўлқуварлари яна 15 центнердан ҳосил кўтаришни чўтлашяпти. Туман кенгашимиз ана шу ташкилотчи раҳбарнинг оила аъзоларига, звено жамоасига табрик хати йўллаб, ўз миннатдорчилигини изҳор этди. Бундай хатлар ва табрикномаларни режани бажарган барча звено аъзоларига, ҳозиргача 100 тоннадан ошириб ҳосил терган 5 нафар механик ҳайдовчига ҳам йўлладик.

Кенгашимиз ҳосил теримига чорловчи даъватномани ёзиб, уни пахтакор ва ҳашарчиларга етказди. Терим ишларига сафарбарликни таъминлашда ана шу даъватнома ҳам ижобий таъсир этди.

Хуллас, Ўзбекистон ХДП туман кенгаши чўлқуварлар орасида яшаб, улар билан ҳамкорликда ишлаётган экан, биз ҳам пахтакормиз. Пахта — бизнинг ташвишимиз, обрўйимиз. Шундай бўлгач, қўлимиздан келганча пахтакорлар оғирини енгил қилишга ҳаракат қилаверамиз.

Республикамизда Олий Мажлисга, вилоят, туман, шаҳар кенгашларига сайловлар ва Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг уч йиллигига қизғин тайёргарлик бормоқда. Ҳозир барча бошланғич партия ташкилотларида республикамиз Олий Мажлисига сайловлар тўғрисидаги Қонунни аҳолига кенг ва чуқур тушунтириш ишлари бошлаб юборилган. Тарғиботчи ва ташвиқотчиларимиз ҳар куни тушлик пайтида йиғим-терим иштирокчилари, механик ҳайдовчилар ва ҳашарчилар ҳузурида бўлишиб, бу ҳақда суҳбатлар, маърузалар уюштиришяпти. Ана шу мулоқотлар пайтида туман кенгаши ва барча партия аъзолари партия ташкил топган куннинг уч йиллигини муносиб кутиб олишга қандай совғалар тайёрлашаётгани ҳақида ҳам сўзлаб беришмоқда.

**Шомурод МАВЛОНОВ,**
**Ўзбекистон ХДП Зафаробод туман кенгашининг биринчи котиби.**

# ЕТАКЧИЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Шаҳрисабз туман кенгашининг биринчи котиби Мансур Останов ўз ишининг билимдони, жонкуяр етакчи. Туман ва шаҳарда яшовчи партия аъзоларини беш қўлдай билади.

— Ўзбекистон ХДП аъзолигига қалбим даъвати ила ариза берганман, — дейди у. — Партия аъзоларининг етакчиси бўлиш менга катта масъулият юклайди. Кенгашимиз ҳокимлик билан Миллий истиқлол мафкурасини тарғиб этишга асосланган мустақил иш режасига эга. Режага асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловларга тайёргарлик кўриш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Сайловларга пухта ҳозирлик, сайловчилар ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориш мақсадида ахборот ва тарғибот марказлари тузилди. Шаҳарда марказ бошлиғи — халқ таълими мудири О. Тўраев, туманда "Шаҳрисабз тонги" газетаси муҳаррири С. Рустамов. Шундай марказлар йирик бошланғич партия ташкилотларида, маҳаллаларда ҳам тузилган. Тарғиботчи ва ташвиқотчилар белгиланган иш режаси асосида ишлашмоқда. Гуруҳ таркибига олимлар, хўжалик, ташкилот, корхона раҳбарлари, ҳуқуқшунослар, ёшлар, хотин - қизлар қўмитаси вакиллари, оқсоқоллар киритилган.

Шунингдек, туман кенгаши қошида "Ёш партия аъзолари мактаби" ташкил этилган бўлиб, ҳар ойда машғулотлар ўтказилади. Сайловга тааллуқли ҳужжатлар ўрганилмоқда. Негаки, сайловчиларнинг ярмидан кўпроғи ёшлар. Сайлов тўғрисидаги Қонун 102 та бошланғич партия ташкилотининг барчасида муҳокама қилинди. Жойларда 40 та тарғиботчи ва ташвиқотчи гуруҳлар тузилган. Уларнинг ишини режалаштириб бориш учун эса туман кенгаши ҳузурида сиёсий марказ ташкил қилиниб, уларга бошлиқлар тайинланган.

Тумандаги Улуғбек номли, А. Темур номли жамоа хўжаликлари, "Кеш" давлат хўжалиги, "Наврўз" ширкат хўжаликлари, шаҳардаги ипак йигирув фабрикаси ва 35-автокорхона бошланғич партия ташкилотларида намунали ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ХДП ташкил топганлигининг уч йиллиги олдидан туман кенгаши ташаббуси билан барча меҳнат жамоаларида, қишлоқ ва маҳаллаларда "Ўзбекистон — келажаги буюк давлат", "Ўзбекистон ХДП — мустақиллик фарзанди"каби мавзуларда суҳбатлар, маърузалар, учрашувлар, сиёсий тадбирлар ўтказилмоқда. Бундан ташқари ногирон, ночор оилалар аҳволидан хабар олиш, янги аъзоларга тантанали суратда билетлар топшириш маросими ҳам кўзда тутилган.

Бир сўз билан айтганда, туман кенгаши шаҳар ва туман меҳнаткашларининг иқтисодий, мафкуравий, маърифий, маънавий ҳаётига ҳамиша бош-қош бўлиб, партия ташкил топган кунни муносиб кутиб олиш, ҳаммамиз учун муҳим бўлган сайловни кўтаринки руҳда ўтказиш тараддуди билан яшамоқда.

**Ғози РАҲМОН.**

# АРМУҒОН

Хўжалигимизда жорий йилда ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларида муваффақиятларга эришилмоқда. Ишни оқилона ташкил қилиш, меҳнаткашларга зарур шарт-шароитларни яратиш, илғорларни моддий ва маънавий рағбатлантириб бориш доимий диққат-эътиборимизда. Давлатга пилла, дон, мева, узум, тухум сотиш йиллик режаларини муддатидан анча илгари бажардик. Бунда, албатта, хўжалигимизнинг омилкор деҳқонлари, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаолларининг муносиб улушлари бор.

Сабзавотчилик хўжалик ишлаб чиқаришининг асосий йўналиши ҳисобланади. Бошқача айтганда, экин майдонимизнинг 71 фоизида деҳқончилик қилинади. Ҳозирга қадар ўн икки минг тонна сабзавот тайёрлаб, йиллик маррани ортиғи билан адо этдик. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 318 центнердан ошди. Айниқса, ХДП аъзоси, таниқли сабзавоткор Раҳимжон Абдураҳмонов бошлиқ участка деҳқонлари ҳар йилгидай бу йил ҳам бошқаларга ўрнак бўлишди. Ўттиз йилдан буён ер билан тиллашиб келаётган Раҳимжон аканинг издошлари ҳам бугун ишончни оқлашяпти. Абдуллажон ва Абдусаттор Муллабоевлар бошлиқ бригадалар ҳам ана шундай зафар маррасини биринчилардан бўлиб эгаллашди.

Эндиликда етиштирилган маҳсулотни тўғридан-тўғри вилоят, туман ҳамда пойтахт бозорларида сотяпмиз. Шу тариқа иқтисодий аҳволимизни яхшилаяпмиз. Деҳқончиликдан бу йил тўрт ярим минг сўм даромад олдик. Бир миллион сўм фойда кўряпмиз.

Хўжалигимизда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганлигининг уч йиллигини муносиб қаршилаш ҳаракати қизғин тус олди.

Айни пайтда далаларда ҳосилни йиғиб-териб олиш давом этяпти. Режадан ташқари яна минг тонна сабзавот тайёрлаймиз. Бу бизнинг катта тўйга муносиб армуғонимиз бўлади.

**М. ҲАЙДАРОВ,**
**Наманган туманидаги "Соҳибкор" жамоа хўжалиги бошқаруви раиси.**
**А. ҲОЖИХОНОВ,**
**бошланғич партия ташкилоти котиби.**

## *Маҳалла — аҳиллик қўрғони*

# ЙЎЛ БЕРГАНГА— ҚЎЛ БЕР

Пойтахтимизда шундай маҳалла қўмиталари борки, улар юқоридан тайёр кўрсатма ёки тавсия кутиб ўтирмай, ўзлари таклиф ва ташаббус билан туман ҳокимлигига чиқишни мақбул кўрадилар. Ана шундай қўмиталар сирасига ЎзХДП бошланғич партия ташкилоти кўмагида маҳалла аҳолиси талаб-эҳтиёжларини яхшироқ қондиришга ҳаракат қилаётган Чилонзор туманидаги "Олмазор" маҳалла қўмитасини қўшиш мумкин.

Жамоа ишида ижобий силжишларга, муваффақиятларга эришиш ишбошининг уддабуронлигига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. "Олмазор" маҳалла оқсоқоли Қаюм ака Умаров кўпни кўрган, тажрибаси мўллигидан бўлса керак, турли мавзуларда баҳсга кириша олади. Қаҳатчиликни, ола-тасир замонларни кўрган. Уруш кезлари 3-Украина фронти қўшинлари сафида Венгрия, Руминия, Болгария, Югославия, Австрия сингари мамлакатларни фашистлардан тозалашда фаол қатнашган. Ўз миномёти билан Грац шаҳрига етиб боргунча машҳур жанглар иштирокчиси бўлди. Худди шу ерда иттифоқчи — Америка қўшинлари билан тарихий учрашув ва кейинроқ Ясси Кишинев ҳарбий операциясида кечирган воқеалар бир умр эсдан чиқмайди. Ниҳоят, 1947 йилда кўкси тўла орден ва медаллар билан она-заминга қайтганида бутун маҳалла аҳли йиғлаб кутиб олганини унутиб бўладими, ахир. Кейин умрининг энг қайноқ даврини Ўзбекистон китоб савдоси ва Матбуот Давлат қўмитасида матбаа ишларини яхшилашга сарфлади.

— Бунақа ғайратли одамни кам учратганман, — деб эслайди узоқ йиллар шу қўмитани бошқарган Зиёд ака Есенбоев. — Қаюмжон доимо янги фикр ва таклиф билан олдимга кирарди. Ҳозир ҳам учрашиб, гурунглашиб турамиз. Ҳалиям ўша одатларини тарк этмаган. Ҳа, ҳавас қилса арзигулик, унинг ўзигагина хос ва мос одатлари бор. Жумладан, бир сўзли — айтдими, тамом, гапининг уддасидан чиқмагунча тинчимайди. Ўзини ўйламайди — бу ҳақда кимдир пичинг қилса ҳам писанд қилмайди. Саранжом-саришта, ҳамма ишда қатъий тартибни ёқтиради. Етмиш ёшгача бирон партия сафида бўлмаган одам Ўзбекистон ХДПга аъзоликка ариза берди.

— Бошқача йўл тутолмасдим ҳам, — дейди Қаюм ака, — чунки ҳар бир ишда яхшиларга эргашишни кўнглимга тугиб қўйгандим. Халқни ўйлаган партия эса доим олға босади.

У қуйидан бошланган ташаббусларнинг қаноти бақувват бўлишини тажрибасидан яхши билади. Ўзига ҳам, фаолларга ҳам талабчанлиги шундан. Кўп қаватли бинолар жойлашган ҳудудда маҳалла қўмиталарини тузиш таклифини билдирганлардан бири ҳам Қаюм акадир. Айни пайтда "Олмазор" таркибида 17 та уй бор. 20 га яқин миллат вакиллари аҳил яшайди. Оқсоқолнинг ўзи ХДПга аъзо бўлиб киргач, ҳудудий партия ташкилотини тузишни кўнглига тугиб қўйганди. Шу йил январь ойида ташкилот 21 нафар аъзони бирлаштирди. Котибликка бир овоздан журналист Уйғун Шорихсиев номзоди кўрсатилди. Ишлар юришиб кетди. Ҳатто партияга қабул қилишни сўраб битта оиладан бир неча киши ариза берди. Бунга Ғулом Иззатиллаевлар оиласини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Маҳалла қўмитаси фаоллари билан партия ташкилоти ҳамкорлиги катта сиёсий куч эканлигини амалда исботлашга ҳаракат қилинмоқда. Чунончи, миллий қадриятларни эъзозлаш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш, тарбияси оғир болалар билан ишлаш масалаларига бағишланган йиғилишлар, алоҳида суҳбатлар ўз самарасини беряпти. Фаолларнинг 357-боғча ҳамда 290-мактабда тез-тез бўлиб ахлоқ-одобга доир ўтказаётган тадбирлари келажакда мева беришига ишонганлар кўп. Миллатлараро тотувликка, ободончиликка, соғлиқни сақлашга бағишланган йиғинлар аҳоли ўртасида кенг маъқулланди. Кўчқор Ҳикматов, Анвар Охунжонов, Машкура Зоҳидова, Рихсибой Умаров, Борис Бабич, Ҳамидулла Абдуллаев сингари фаоллар ҳам маҳалла қўмитасига, ҳам партия ташкилотига яқиндан кўмаклашмоқдалар. Ихтисослаштирилган ободончилик бошқармаси бошлиғи Абдували Расулов шу соҳа бўйича ҳудудда ғ унали тартиб ўрнатишга бош-қош. Қаюм ака бошлиқ фаоллар аҳоли талаб-эҳтиёжига яраша хизмат қилишга саъй-ҳаракат қилишаётир. Ҳудуд марказида қўмита ва партия ташкилоти учун идора қуриб битказилди, тўй-маросимлар ўтказиш учун катта зал тикланди. Ёнида мева-сабзавот дўкони, чойхона, новвойхона, пойабзал таъмирлаш устахонаси бинолари фойдаланишга топширилди. Иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлайдиган "Ўзбекбирлашув", Аҳмадхўжа Рашидхўжаев раҳбар бўлган Ўзбекистон — Америка "Жасур" қўшма корхонаси, "Олмазор" дўкони, Ўзбекистон олимпия футбол федерацияси каби оталиқ ва ҳомий ташкилотлар излаб топилди. Буларнинг ёрдамлари самараси турли сиёсий, ижтимоий ва маданий-маиший тадбирларни ўтказишда ва уларнинг амалийлигини таъминлашда кўринянти. Айни пайтда маҳаллада фаолият кўрсатаётган партия ташкилоти сафлари 54 кишига етди. Учта цех партия ташкилоти тузилди. Улар жойларда Ўзбекистон Олий Кенгаши XVI сессияси қарорларини оммага тушунтириш, 25 декабрда Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга бўладиган сайловларга, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг уч йиллигига муносиб тайёргарлик кўриш билан машғуллар. Вақтивақти билан ўтказилаётган сиёсий кун ва суҳбатларнинг кун тартибидан ҳам бу муҳим мавзулар ўрин оляпти.

Хуллас, маҳалла қўмитаси билан партия ташкилоти ҳамкорлиги кутилган натижани бермоқда. Мақсад — уни янада мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришдан иборат.

**Абдунаби МАННОПОВ,**
**"Ўзбекистон овози" мухбири.**

# ҲОРМАНГ ЭНДИ, ХОРАЗМЛИК АЗАМАТЛАР!

## ПАХТА ЙИҒИ БЎЛДИ

Ҳақиқатан ҳам шундай. Об-ҳаво қулай келди. Шу боис хўжалигимиз деҳқонлари мустақил жумҳуриятимизнинг улкан хирмонига 3650 тонна "оқ олтин" топшириб, ҳосилдорликни гектаридан 30 центнерга етказдилар. Айниқса, А. Норбоев, Қ. Мадримов, С. Жуманиёзов, Р. Юсупов бошлиқ бригадалар пахтакорлари ҳосилдорликда юқори кўрсаткичга эришдилар.

Режадаги ҳосилнинг 33 фоизи, режадан ортиқ топширилган пахтанинг ҳаммасидан олинадиган ёғ, кунжара, шелуха, совун, пахтакорларга тўла-тўкис берилиши ҳақидаги республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори бизни руҳлантириб юборди. Хўжалигимиз аъзолари бошқа соҳаларда ҳам режаларни уддалашди. Жумладан, давлатга 534 тонна дон, 620 тонна сут, 1600 тонна сабзавот, 120 тонна мева ва бошқа маҳсулотлар топширилди.

Хўжалигимиз бўйича 374 тонна шоли ишлаб чиқариш ва сотиш режасини бажариш учун астойдил меҳнат қилинмоқда. Шу кунларда қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида келгуси йил ҳосили учун қизғин тайёргарлик ишлари олиб бориляпти. Кузги пиёз, бугдой экиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

**Матёқуб МАДАМИНОВ,**
**Хива туманидаги Р. Мадаминов номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси.**

# ЕРНИ ЭЪЗОЗЛАМОҚ — ЭЛНИ ЭЪЗОЗЛАМОҚДИР

Жонажон Ўзбекистонимиз мустақиллигини иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлашдек эзгу ниятни қалбига жо қилиб олган ва бу муқаддас ишга муносиб ҳисса қўшишга бел боғлаган вилоятимиз меҳнаткашлари фан-техника ютуқлари, илғорлар тажрибасини унумли қўллаганликлари туфайли бу йил далаларда мўл ҳосил етиштирдилар. Улар пахта тайёрлаш режасини шараф билан адо этиб, бу йил ҳам пешқадамлик анъаналарига содиқ қолганликларини яна бир бор исбот этишди. Давлатга 290 минг тоннадан зиёд "оқ олтин" топширилди. Ҳар гектар майдоннинг ҳосилдорлиги 28,3 центнерни ташкил этди. Ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга сотилди. Бу улкан хирмонга вилоятда биринчилардан бўлиб зафар байроғини ҳилпиратган Хонқа тумани пахтакорлари ўзларининг 32 минг тонналик муносиб улушини қўшдилар. Туман далаларида бу йил хазина кўзи очилгандек бўлди. Республикамиз мустақилликка эришганлигининг учинчи йилини муносиб меҳнат ютуқлари билан кутиб олишга азму қарор қилган ва шу кунларда оширилган режа ҳисобига пахта териб топширяётган янгиариқлик, ғурланлик, Хива ва ҳазорасплик пахтакорларнинг ҳам улкан хирмонда муносиб улушлари бор.

Ғалаба осонликча қўлга киритилмади, албатта. Президентимиз И. А. Каримовнинг доимий ғамхўрлиги ва ёрдами бу шарафли йўлда хоразмликларга мадад бўлиб муваффақиятларга руҳлантириб турди. Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг, республика вазирликлари ва ташкилотларининг вилоятимизга кўрсатаётган амалий ёрдамлари бу йил ҳар қачонгидан зиёда бўлди. Май ойининг бошларида юз берган табиий офат оқибатлари уюшқоқлик билан бартараф этилди. Вилоятнинг барча соҳа меҳнаткашлари пахтакорларимизга яқиндан кўмаклашдилар. Камарбаста ва елкадош бўлдилар. Бир мақсад йўлида аниқ сафарбарлик натижаси ўлароқ далаларимизда мўл ҳосил тўпланди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йилги пахта ҳосили йиғим-теримини уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори вилоят аҳолисини мавсумда фаоллик, фидокорликка ундади. Оғир меҳнатлар эвазига етиштирилган ҳосилни қисқа муддатларда йиғиб-териб олиш, уни юқори навларга топириш учун ҳамма-ҳамманинг сафарбарлиги эълон қилинди. Теримчилар ва ҳашарчилар, механизаторларга бу йил қулай шарт-шароит яратиб берилди. Уларга белгиланган юқори даражадаги иш ҳақларини ўз вақтида тўлаб боришни ташкил қилдик.

Агросаноат тизими мутахассислари, агрономларимиз бу йил айниқса яхши ишладилар. Техникадан яхши фойдаланилди. Ҳосилни нобуд қилмай, ўз вақтида қабул пунктларига етказишда муҳандис механизаторлар бор маҳоратни ишга солдилар. Бир сўз билан айтганда, ҳамма - ҳамманинг бу улкан зафарда баҳоли қудрат ўз улуши бор десам янглишмайман. Шу ўринда мен вилоятимиз пахтакорлари уйғаб баланд хирмонга бевосита ва билвосита ҳиссасини қўшган барча ҳамюртларимга, ўзининг қимматли маслаҳатларини аямаган мусобақадош наманганлик дўстларимизга чин дилдан раҳмат айтаман.

Биз ўтган йил давлатга 360 минг тоннага яқин пахта сотган эдик. Ёки жорий йилда чигит экишни ўтган йилдагига нисбатан 15 минг гектар



Қўшкўпир туманидаги М. Раҳимов номли жамоа хўжалиги биринчилар қатори йиғим-теримни бошлаб юборгандилар. Шарифбой Рўзматов бошлиқ бригада аъзолари 67 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, мўл ҳосил етиштирдилар.

СУРАТДА: Жамоа хўжалиги раиси Султонназар Ўрозметов бригада бошлиғи Шарифбой Рўзматовга миннатдорчилик билдирмоқда.

**Ф. МУҲАММАДИЕВ олган сурат.**

камайтирган бўлсак-да, бу йилги ҳосил чўғи ўтган йилдагидан кам эмас. Худо хоҳласа, амалдаги йилда ҳам 1993 йил миқдоридаги хом ашёни топширамиз. Бунга интилишимизнинг яна бир сабаби бор. Пахта деҳқон иқтисодиннинг асосини ташкил этади. Президентимизнинг қишлоқ хўжалиги соҳасини иқтисодий рағбатлантириш ва эркинлик бериш тўғрисидаги Фармони асосида деҳқонларимиз давлатдан катта имтиёз олдилар. Б у Фармонга мувофиқ режани бажарган хўжаликлар тасарруфида қолдирилган маҳсулот улуши кўпайтирилиб, харид қилинган пахта толаси ва ғалла ҳажмининг учдан бир қисмига етказилди. Мана бугунга қадар вилоятимиздаги 80 дан ошиқ жамоа хўжалиги, 800 дан кўпроқ бригада пахта топириш бўйича давлат буюртмасини бажарди. Мақсадимиз имкони борича ҳамма жамоа хўжаликларини, барча бригадаларни маррага етказиш. Шунга эришса олсак, барча деҳқонларимиз берилган имтиёзлардан бахраманд бўлади. Барча қишлоқ аҳли тўқ, ҳаёти яна чароғон, ривожимиз суръатига суръат қўшилади.

Юртбошимиз ғалла мустақиллигига эришишни олдимизга муҳим вазифа қилиб қўйди. Бу борада ҳам кенг жабҳада меҳнат қилинмоқда. Бу йил вилоятда биринчи марта 24 минг тонна буғдой ғамлаб қўйилди. Бу 1993 йилдагига нисбатан 16 минг тонна зиёд. Шунингдек, жорий йилда 40 минг тонна макка дони тайёрланди. Бу ҳам бултургига қараганда 24 минг тонна зиёд демакдир. Шоликорларимиз ҳам бу йил ҳар қачонгидан зиёд хирмон кўтариш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Улар ҳам режани ошириб уддалайдиган кун яқин. Сабзавот, полиз экиларидан ҳам бу йил мўл ҳосил етиштирилди. Бозор иқтисодининг талаб ва эҳтиёжларини деҳқонларимиз ҳам бугун тушуниб олдиларки, эндиликда шахсий масъулият ва манфаатдорлик туйғуси билан меҳнат қилишяпти. Улар маҳсулотнинг охирги натижасидан манфаатдор эканлигини бу йилги кузда ҳис қилиб, сезиб турибди.

Ерни эъзозламоқ — элни эъзозламоқ, деган эди Президентимиз. Бу гап ҳар доим фаолиятимизнинг асосий шнори бўлиб қолади.

**Жумабой ЎТАМОВ,**
**Хоразм вилояти агросаноат уюшмаси раиси.**

# „Оқ олтин" хирмонига

**1994 ЙИЛГИ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА 24 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ**
**(Режага нисбатан фоиз ҳисобида)**

| вилоятлар | жами | | шу жумладан машинада | |
|---|---|---|---|---|
| | бир кунда | мавсум бошидан бери | бир кунда | мавсум бошидан бери |
| **Қашқадарё** | **0,35** | **101,82** | **0,20** | **66,77** |
| **Хоразм** | **0,49** | **101,13** | **0,09** | **8,21** |
| Бухоро | 0,34 | 98,06 | 0,01 | 3,71 |
| Андижон | 0,83 | 97,01 | 0,27 | 23,68 |
| Наманган | 0,90 | 92,46 | 0,72 | 39,63 |
| Фарғона | 0,72 | 92,24 | 0,01 | 15,11 |
| Навоий | 0,43 | 91,93 | 0,06 | 27,14 |
| Самарқанд | 0,52 | 88,96 | 0,15 | 26,49 |
| Сурхондарё | 0,97 | 86,72 | 0,12 | 31,81 |
| Тошкент | 0,66 | 81,78 | 0,34 | 55,32 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 0,74 | 71,67 | 0,23 | 22,32 |
| Жиззах | 0,90 | 70,51 | 0,53 | 52,41 |
| Сирдарё | 1,03 | 68,64 | 0,79 | 53,53 |
| **Республика бўйича** | **0,69** | **88,07** | **0,30** | **36,70** |

# Шу куннинг нафаси

Янгиликлар воқеалар хабарлар

**•Саховат**

## БАРАКАСИНИ БЕРСИН

•ҚАШҚАДАРЁ ( мухбиримиздан). Вилоят молия бошқармасида кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга бағишланган семинар кенгаш ўтказилди.

Йиғилишни вилоят молия бошқармасининг бошлиғи Ю. Аноров олиб борди. Кенгашда туман молия мудирлари ҳамда шу соҳа мутахассислари иштирок этишди. Йиғилганлар октябрь ойида амалга киритилган инсонпарварлик тадбирига тайёргарликнинг борыши ҳақидаги ахборотни тинглашди.

Вилоят туманларининг маҳалла ва фуқароларидан тушаётган аризалар, уларнинг ижроси ҳақида мулоҳазалар айтиб ўтилди. Ёрдамга муҳтож ва кам таъминлаган оилаларга ёрдам кўрсатишда ижтимоий адолат ва ошкоралик қоидаларига риоя этиш лозимлиги таъкидланди. Чироқчи тумани мисолида маҳаллий бюджет маблағидан 214 минг 200 сўм, хайрия жамғармасидан 900 минг сўм ажратилиб, муҳтож оилаларга бериш мўлжалланаётгани қайд этилди.

**• Қулайлик**

## МАҲАЛЛАДОШЛАР ҚУВОНЧИ

• СУРХОНДАРЁ (мухбиримиздан). Термиздаги "Юлдуз" маҳалласини кўпчилик яхши билади. Боиси, бу маҳалла вилоят ва жумҳурият кўрикларида ғолиб деб топилган.

Маҳалладаги ибратли ишларни амалга оширишда оқсоқоллар, уруш ва меҳнат фахрийлари, хусусан Карим бобо Рамазоновнинг хизмати катта. Маҳаллада учта отахонлар чойхонаси ва меҳмонхона бор. Яқинда маҳалла гузарида яна бир қулайлик яратилди. Маҳалла қўмитаси қошида фуқаролик ҳолатларини қайд этиш идораси иш бошлади. Эндиликда бир умрга аҳд-паймон қилган ёшларнинг никоҳлари шу ерда расмийлаштирилмоқда.

**Абдуғаффор ОДИНАЕВ.**

**• Танлов**

## ЭНГ ЯХШИ ФЕРМЕР

• БУХОРО (мухбиримиздан). Ромитан туманидаги Ибн Сино номли жамоа хўжалигининг фермери Теша Тошев танловда ғолиб чиқди.

"Вилоятнинг энг яхши фермери" номига сазовор бўлган Теша Тошев шу йилнинг ўтган ярмида давлатга 37 тонна гўшт, 60 тонна сут етказиб берди.

Унинг фермер хўжалиги моллар сони кўплиги, маҳсулот салмогининг ортаётгани, берилган кредитдан самарали фойдаланиши, меҳнатни ташкил этиш даражасининг юқорилиги туфайли танлов ғолиби деб топилди. Ғолиб фермер 15 минг сўм пул билан тақдирланди.

**Даврон БАҲРОНОВ.**

**• Кичик корхона**

## ШИРДОН ЎРНИГА ДОРИ-ДАРМОН

•НАВОИЙ (мухбиримиздан). ЎзХДП Конимех туман кенгашининг ташаббуси билан қурилган "Ўрнак" ва "Агротехник" кичик корхоналари эл оғзига тушди.

Кейинги икки йил мобайнида бу корхоналарда кўплаб халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарила бошланди. Хусусан, туя жунидан тайёрланган белбоғ, пўстин, паст навли пахтадан тайёрланган кўрпачабоп пахта кўпчиликка маъқул келмоқда.

Яқинда туман кенгашининг ташаббуси билан яна бир хайрли ишга қўл урилди. Қорақўлчилик хўжаликларидан йиғиб олинган 60 минг дона қўзи қоринчаси — ширдон мол айирбошлаш мақсадида Россияга жўнатилди. Эвазига 150 минг сўмлик Ҳиндистонда тайёрланган ветеринария дори-дармонлари олинди. Бу қўйчилик хўжаликларида маҳсулдорликни оширишда аскотади. Дори-дармонлар қишлов олдидан Учқудуқ, Томди чорвадорларига ҳам етказиб берилди.

**Музаффар ШАРОПОВ.**

*Илму ҳикмат ўтни ёндирар*

# Салоҳият

***ТошДУ ректори, академик, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний мукофоти лауреати Тўхтамурод Жўраевни атоқли математик олим сифатида нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё, МДҲ давлатлари, хорижий мамлакатларда ҳам яхши билишади. Қуйида биз республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Ғайбулла ас-САЛОМ ҳамда доцент, ёзувчи Сайди УМРнинг у киши билан тайёрлаган дилкаш суҳбатларини ўқувчилар эътиборига ҳавола қиламиз.***

Ғайбулла ас-Салом: — Мусоҳибларимни огоҳ этмоқчиман: бу суҳбатимиз рисоладагидек, сидирға, "байрамона" бўлмайди. Балки қилинган ва қилинмаган ишлар, вазифалар, муаммолар, ниятлар, армонлар хусусида ҳам гаплашиб олсак, дегандим.

Тўхтамурод Жўраев: — Айни муддао. Нони бутун одам деган гап бор халқда. Бу таъбирни илм аҳлига қўлланса ҳам бўлади: нони бутун олим. Дастурхонда биров нонни ушатиб ейди, биров ушоғини териб ейди. Фанда ҳам шундай.

Ғ. С: — Нон ҳам нон, ушоғи ҳам нон.

Т. Ж — Дуруст. Лекин мен бошқа гапни айтмоқчийдим.

Олимлар борки, ўзгалар қилган ишни давом эттириб, муаммодан муаммо чиқариб илм қилади. Бунга ҳам вақт, меҳнат кетади. Математика кўҳна, мураккаб, бағри кенг, сертармоқ соҳа. Бўйига ҳам, энига ҳам ғалвир қилиб ўрганилган. Лекин кавласанг чиқаверади, чиқаверади... Бу ерда янги илм, янги илмий йўналиш ёки тармоқ очиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Баъзилар ўзи хамир қоради, зувала қилади, нон ёпади ва ўзи синдириб ейди. Бунинг меҳнати оғир. Лекин роҳати, гашти ҳам ўзгача!

Ғ. С: — Нонни нанна деб юрадиганлар ҳам топилади, денг.

Т. Ж: — Ўз фикри бўлмай, бир умр ўзга олимларнинг гапини айтиш, етагида, изнида бўлиш, бошқаларнинг ғоясини ташиш — бировнинг ҳомиласини бўйида кўтариб юрган аёлдай гап.

**Ўзбекнинг олими ҳам ўзбекнинг ўзидай вазмин беғубор, тўғрисўз, соддадил. Деҳқон ўғли — академик. Олимнинг бутун салоҳияти сахий қалбида, очиқ юзида, маъноли кўзларида балқиб туради. Ҳатто овозида ажиб самимият бор. Иш юзасидан бировни қойиса, дашном берса ҳам ҳеч ким ундан оғринмайди. Ер юзидаги жамики қабариқлар орасида энг табаррук юза — инсон юзидир, деган экан азизлардан бири. Мавлоно Тўхтамурод Жўраевни тинглар экансиз, дафъатан ана шу сўзлар хотирга келади...**

"Шоирни билишни истасанг, Ватанига бор" деган Иоганн Волфганг Гёте. Бу гапда чуқур маъно бор. Олимни билишни истасангчи? Турган гап, ҳар қандай забардаст истеъдоднинг ҳам кимлиги, тақдири, кўлами ва истиқболи унинг Ватани, ватандошлари, оиласи, мактаби, кўрган-кечирганлари замирида яширинган бўлади.

Болалигим — пошшолигим, дейдилар. Тўхтамурод Жўраев билан суҳбат чоғида у нотекис, баъзан ўқишни деб сарсон-саргардонликда кечган ёшлик йилларини эслар экан, ректоратнинг минг хил ташвишларию, қалашиб ётган ҳар хил юмушларини ҳам буткул унутди. Ҳозир, шу топда у бир-икки соатгагина дил изҳорига берилган чоғида болалик диёрига, ўспиринлик ташвишларига, ота-оналар, қавм-қариндошлар, оиласи ҳақидаги хотиралар тафсилотига тушиб кетганида, ўйлаб қоламиз: ҳар бир даврнинг ўз болалиги бўлар экан-да. Ҳаммада ҳам уруш даври ва эллигинчи йилларнинг болалиги иштирокчиларию гашти ҳамоҳанг ечганига иқрор бўламиз. У 1934 йилда Юқори Чирчиқ туманидаги Кавардон қишлоғида туғилганлигини айтар экан, қавс ичида алоҳида қайд этади: "Айтишларича, Ойбек домла у ерга кўп борар эканлар". Сўнгра оиланинг Кавардондан Шўралисойга кўчиши, у ерда Тўхтамуроднинг, "муаллимига қараб, қозоқча ҳам, татарча ҳам ўқигани", унда мактабга сўнмас меҳр пайдо бўлгани, намозхон отанинг куйманишларини билиб оламиз. Яна икки оғиз шакаргуфторлик.

**Биринчи тафсилот.**

— Отамиз ёлғиз ўғил, илмсиз бўлса ҳам зўр деҳқон, ўз соҳасининг академиги эдилар. "Жўравой ака эшагининг ҳилачўпини ерга суқса ҳам кўкариб чиқади" деб таъриф-тавсиф қилишарди. Олтмиш тўққизинчи йили саксон бир ёшида оламдан ўтдилар. Онамиз етти йил бурун саксон тўрт ёшда вафот этди. Қувваи ҳофизаси бениҳоя кучли, "қумқулоқ" эдилар. Исмлар, рақамлар, воқеалар, қаерда, қачон, нима бўлгани — бари эсида турарди. Бизга онамиздан кўпроқ нарса ўтган бўлса ажабмас.

**Иккинчи тафсилот.**

— Бир амакимиз бўларди. Юнус халфа деган. Арзимаган сабаб билан қулоқ қилиниб, ўн йил "анов ёқларда" ётиб келган. Кўп нуроний, зоти пок киши эдилар. Дадам беданага ишқивоз киши эди. Тузоқ қўйиб овларди. Беданавозлар суриштириб келиб олиб кетишарди. Сира ёдимдан кўтарилмайди. "Жўравой, — дедилар амаким дадамга, мени десанг, шу беданаларни учириб юбор. Жониворлар тўрқовоқда уринишяпти, "анов ёқда" кўрганларимни эслаб чидаёлмаяпман". Сўнгра "парр" этиб учириб юборганлари ҳамон кўз ўнгимда.

**Учинчи тафсилот.**

— Олтин медалга номзодлардан эдим. Шўралисойда мактаб директори билан Аитова деган ўқитувчи келишолмай қолиб, фалакнинг гардишини қарангки, энг зўр биладиган фаним математикадан тўрт қўйдиришди. Кейин кумуш медалга ҳам илинмасин деб, яна бир тўртни босишди. Вассалом. Бир хил ўта ғалати одатларимиз бор, ҳали ҳам қолмаган. Ўқитувчилар келишмаса, зиёни ўқувчига уради. Илмий раҳбарнинг мухолифи бўлса, бечора аспирантнинг шўри қурийди. Мени лол қолдирган гап буёқда: синфимизда Замира Турсунқулова деган медалга номзод қиз бор эди (машҳур деҳқон, Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқуловнинг фарзанди). "У медаль олмаса, мен ҳам олмаганим бўлсин" деб туриб олди. Ноҳақликка қарши исён ва ҳамдардлик юзасидан. Инсоф, диёнат, орият деган нарсалар кучли экан-да. Яшириш не фойда. Замиранинг дафтари муқовасига "Т + З" (Тўхтамурод + Замира) деган рамзий, тагдор ҳарфларни ёзишни энди машқ қилаётган кезларим эди. Мана ўттиз беш йил бўлди бир ёстиққа бош қўйганимизга. Тақдиримиздан нолимаймиз. Бу ёқда — фарзандлар, неваралар... Яна нима керак!

**Тўртинчи тафсилот.**

— "Олма пиш, оғзимга туш" деб кутиб ётадиган одамнинг оғзига шафтоли қоқиям тушмайди. Бир олма "тап" этиб тушгану, Ньютон бутун олам тортилиш қонунини кашф этган эмиш. Кечирасизу, бу анойи одамларга мўлжалланган "ғалати машҳур" гап. Рамзий маънода айтилган.

**Бешинчи тафсилот.**

— Академик, раҳматли Саъди Ҳасанович Сирожиддинов мени Новосибирск шаҳрига, аспирантурага боришимни лозим топганида, уйдагилар билан кенгашдим. Эшитишимча, қайнотамиз Ҳамроқул Турсунқулов бу гапга ҳайрон бўлиб: "Ажаб замонлар! Илгарилари Сибирга сургун қилишарди. Энди бўлса обориб, олимликка ўқитишаркан... Мен розиман", — дебди.

— Олтмиш биринчи йили Новосибирск шаҳрида академик Лаврентьев таваллудининг олтмиш йиллиги улкан илмий маҳоба билан нишонланди, — деб гапини давом эттирди суҳбатдошимиз. — Дунёнинг турли чеккаларидан казо-казо олимлар келган. Илмий-назарий анжуман бўлди. Ялпи йиғилиш каттакон ўрта мактаб залида ўтказилди. Илмий раҳбарим А. В. Бицадзенинг маърузаси ҳамон ёдимда. Домламнинг айни гуриллаган пайти. Андрей Васильевич янги, мураккаб бир масала қўйди. Шартларини тайинлаб, ечишга тушиб кетди. Бир маҳал Мстислав Всеволодович Келдиш саҳнага — тахта ёнига чиқиб келдилар. Ўшанда у киши энди Академияга президент бўлиб сайланган. У домланинг қўлидан бўрини олдида: Сиз ёзган нарса ҳам яхши-ку, — деди юмшоқ овозда, — лекин мана бундоқ қилинса қандай бўларкин?.. Бир ҳадини ўзгартирган эди, тарҳи очилиб кетди. Бутунлай бошқа бир манзара пайдо бўлди!.. Машҳур мусаввир жиндай мўйқалам теккизиши билан шогирдининг асари очилиб кетгандай. Устанинг усталиги ҳам шунда-да.

Илмий-назарий издиҳомдан чиқиб келаётганда домламга дуч келиб қолдим: — "Келдишни эшитдингми?" "Ҳа". "Энди шу масалага ўзингни чоғлайсан". "Ҳўп".

Ким билсин, ўшал кун, ўшал соатда куним туққандир, иқболим кулгандир. Илм шундай нарсаки, ҳар кун унинг бағрига "зафар қучгани" боравермайсан. Ҳаёт нуқул ғалабадан иборат эмас. Ширин ғалаба нашидаси билан бирга мағлубият алами ҳам бўлади. Оддий кишилар донгдор олимларга қараб ҳавас қилади: "Олим бўлсанг, олам сеники". Лекин ҳамма ҳам билавермайдики, гоҳо "Олим бўлсанг, алам сеники".

С. У: — Олим борки, раҳбар эмас. Раҳбар борки, олим эмас. Яхши олиму яхши раҳбар бўлиш барчага ҳам насиб этавермайди. Сиз қайси бирида ўзингизни кўпроқ эркин ҳис этасиз?

Т. Ж.: — Сохта камтарликни қўйиб, холисанлиллоҳ айтсам, илмда ҳам, раҳбарликда ҳам муайян тажрибам бор. Илм тубсиз бир уммон. Катта илмий даргоҳларда мактаб кўрдим. Ўз илмий мактабимни яратдим. Бу ҳеч кимга сир эмас. Аммо йигирма йиллик раҳбарлик ишим ҳақида гапириш менга ўнғайсиз. Бу хусусда бошқалар гапирсин. Агар лозим бўлса. Йўқ, бир гапни аниқ-таниқ айта оламан. Раҳбар бўлмасдан ҳам яшашим мумкин эди. Бироқ ўзимни илмдан четда тасаввур эта олмайман. Риёзиёт илми — менинг ҳаётим.

Ғ. С.: — Инсон бу ёруғ дунёга дард билан келиб, дард билан кетади. Илм ҳам шунга ўхшайди. Ҳар қандай туғун дард билан ҳосил бўлади ва дард билан ечилади. Катта масала олдида турган олим кўп ўйланади, қийналади, иккиланади. Ўзига шубҳаланган вақтлари ҳам кўп бўлади. Қанча билгани сайин ҳеч нарсани билмагандай туюлаверади. Баъзан ҳафсаласи пир бўлиб, тушкунликка берилиб кетади. Бир хил даҳо олимлар бора-бора оғир касалга чалинар экан. Агар сен илмни эгалласанг, бир умр хизматингни қилади. Мабодо у сени "эгалласа", телба бўласан. "Нормал" одамдан олим чиқиши даргумон.

Т. Ж. : — Чиндан ҳам изланаётган одам юкли бўлади, юк остида сезади ўзини. Узоқ ўйланган катта ишнинг ечими топилгач, "Эврика!" ("Топдим!") деб юборасан киши беихтиёр. Елкангдан тоғ ағдарилгандай бўлади. Руҳинг енгил тортади. Ўйланиб юрган бирон масаланинг ечими қоқ тунда келиб қолади баъзан. Сўнгги нуқтани биров қўйиб бергани қаёқда-ю, ўзинг қўйиб олганинг қаёқда! Инсоннинг руҳияти шундайки, ўз қувончингни ким биландир баҳам кўргинг, худди болалардек мақтангинг келади. Рафиқам Замирахонни уйқудан турткилаб уйғотган вақтларим ҳам бўлган: "Турсанг-чи, мана буни кўр, масалани қотириб ташладим!".

Чинакам математик шоир ё бўлмаса шоиртабиат бўлиши керак. Қўйингки, шеър ёзадиган, шеър айтадиган одамда "бир нима" бўлади-да. Мен шеърни тушунмайдиган, шеър деса афтини бужмайтирадиган одамларни тушунмайман.

С. У.: — Яшириш не ҳожат. Гўё жиддий ва ножиддий одамлар, арбоблар ва бандалар, сиповий ва фуқаровий тафаккур тарзида ўзига хос бир маслак, табақаланиш пайдо бўлган бизда. Фараз қилайлик, бирон жиддий жамоат арбоби ёки олимнинг... ғазал ёзиши ғалати туюлади. Аталадан суяк чиққандай. Ёки бирон завод директорининг театрда актёрлик қилишини ким эшитган? Бу ишни эплаёладими ёки йўқми — бу бошқа масала. Лекин... айб саналади! Тўғрисини айтганда, бу мирзақуруқ ёки такаббур кишининг иддаоси. Ўша жоҳилият даврининг бир маҳсули. Ҳақиқий фан, санъат ёки фалсафадан бутқул йироқ кишининг димоқ-фироғи. Бундай кибру ҳавога баъзида ўзимизнинг қўлбола "ўзбекчилиғимиз" ҳам аралашиб, чунонам чучмал бир нарса пайдо бўладики!..

Т. Ж.: — Бу мулоҳазаларда мағиз бор. Агар олимона такаббурлик — амбицияни — иддао десак, демакки, менда акс-иддао мавжуд экан. Шеър ёзиш, шеърхонлик ёки мушоирани шунчаки "кўнгил хуши" эмас, балки жиддий, ўта мураккаб ижод деб биламан. Мен учун шеър ёзиш ҳам, масала ечиш ҳам бирдай ижод. Ва... илм! Шеър математикага эҳтиёж сезмайди, деб ўйлайсизми? Вазн, ҳижо, бўғин, қофия, радиф, оҳанг... Соф шеърий техника. Буларни математика илми ҳам тадқиқ этади. Кибернетика саралайди, жамлайди, ажратади, таҳлил этади ва ҳаракатга келтиради. Ақлли машиналар инсон қалбининг мавжи саналмиш, соф ижод ва интуиция маҳсули бўлмиш мусиқа ва мусаввирлик, таржима ва шоҳмот санъати оламигаки дадил кириб бораётган экан, математиканинг умуман аралашмаган соҳаси йўқ. Бас, ижодга нописандлик билан қарайдиган математик мутахассисни яхши олим деб бўлмайди.

С. У.: — Бир норасмий савол бермоқчиман: ўзингизнинг шеърга тобингиз қалай?

Т. Ж.: — Ўн саккиз ёшида шоир бўлмаган киши борми! Бироқ мен ҳозирга қадар иш орасида, кайфиятим чоғланган пайтларда шеър машқ қилиб тураман. Иддаопарастларга эса даъво-далилим битта: қани, азизим, ўзлари ҳам бир уриниб кўрсинлар-чи, бирон нарса чиқармикин?

**Ғ. С.: — Ёши элликдан ошганлар савоб иш қилишга шошилсин,**

**Ҳа, ҳар ким савоб иш қилиши керак. Ҳар кун савоб иш қилиш керак.** Сиз билан биз бўлсак, олтмишвойлар сафига қўшилиб қолдик. Аммо олтмиш ёш қанчалик шарафли бўлса, шунчалик — залворли долзарб. Шундай эмасми? "Оталар ва болалар" муаммосига муносабатингиз?

Т. Ж.: — Нимага шама қилаётганингизни англадим. Ҳозирги фикри-ёдим Тошкент университетининг асл-азалий олдинги мавқеини тиклаш. Ўзининг 75 ёшида дорилфунун салоҳиятини янада ошириш. Қимирлаган жон борки, шунга эришишимиз лозим. Иншооллоҳ, нияту саъй-ҳаракатларимиз мустажоб бўлғай. Негаки, шунга имкон туғдирадиган қувват ҳам, муҳит ҳам республикамизда муҳайё. Об-ҳаво яхши. Чунки унинг гуриллаб ўсиши, пешқадам олийдаргоҳ бўлиб қолишидан барча холис ниятли кишилар манфаатдор. Зеро, ҳар кун бўлмагандаям, яна бир марталик савоб иш қилиши билан ТошДУмизнинг қаддини алифдай ростлаб қўйишга ва бу билан ўзининг бутун умрига татигулик мислсиз савоб иш қилишга қурби етадиган инсон бор!

"Долзарблик" хусусида. Ишчанлик фақат ёшга вобаста эмас. Қандай ўйлайсиз: университетга не тахлит олим кўпроқ керак? Ўттиз ёшга кирган навқирон, лекин илм-фанга бирор нарса бермаган, сабаби тирикчилик қўйида юрган, лоқайд, танбал домла керакми ёхуд ўзининг 70 ёшида ҳам тўла қувват, ғайрат-шижоат билан ҳормай-толмай хизмат қилаётган аллома — мураббийми? Ўзининг 30 ёшида қотиб қолган ўша ялтоқ мутахассиснинг 60 га ёки 55 га киришини кутиб туриш керакми? Унинг бизни тарк этиб, бошқа бирон ишлаб чиқаришга бориб жойлашувига кўмаклашган маъқулроқ, деб ўйлайман. Шу билан баробар кексайиб қолган ишчан домлалар сафига ложки борича истиқболли, ёш илмий кучларни кўпроқ жалб этиш жуда муҳим.

Оталар ва болалар... Очиғи, бу йўлимизда ғов бўлиб турган тўсиқлардан бири. Бизда юз-хотирчилик жуда кучли. Инсофдиёнатдан лоф-қоф урувчи профессор ёки иш бошида турган амалдор ташқаридан келадиган зеҳнли, ўткир мутахассисдан кўра ўзининг тантиқ арзандасини афзал кўради.

Ғ. С.: — Бу ерга "ётоқхона", емакхона ёки муваққат истиқомат жойи, катта амалдорликка илиниш учун бир қўнлаға деб қарамасдан, ўз тақдирини университет тақдири билан боғлашга қодир, ёш, истеъдодли мутахассис-домлаларни жалб этиш, уларни маҳкам ушлаб қолиш ҳамма даврларда қийин кечган. Айниқса — ҳозир. Бир тарафи, бозор иқтисодиёти шароитида зиёга интилувчилар камайиб бормоқда... Иккинчи тарафи, ўз ичимизда ҳам уларга тўсиқлар кўп. Факультет, кафедра ва лабораторияларда истеъдодли ёшларнинг қадами остига ҳаммавақт ҳам яшил поёндоз тўшалавермайди.

С. У.: — "Уддабурон" юлғич ҳамма жойда ўзи учун иссиқ ўриндиқ топа олади. Ёш истеъдод эса ҳамма вақт ҳимояга муҳтож.

Т. Ж.: — Бундай олганда, ҳар биримиз ҳозирги ҳолатимизга етиб келгунимизга қадар не бир машаққатларни бошимиздан ўтказганмиз. Осмондан тайёр ҳолда профессор, академик, ректор, кафедра мудири, фан доктори ёки доцент, фан арбоби бўлиб тушмаганмиз. "Агар мен фанда Декартдан кўра узоқроқни кўраётган бўлсам, бунинг сабаби шуки, Декартдай бир алпнинг елкасида турибман", деган экан Исаак Ньютон. Муборак номлари фан пештоқига олтин ҳарфлар билан ёзилган улуғ бобокалонларимиз Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Умар Хайём, Мирзо Улуғбек, Ғиёсиддин Жамшид, Ғиёсиддин Коший, Али Қушчи..., буёғи — академик Лаврентьев, академик Келдиш, академик Бицадзе ҳамда бизни уларнинг қўлига топширишга замин ҳозирлаган, билмаганимизни билдирган ўз устозларимиз академиклар Қори Ниёзий, Ҳабиб Абдулло, Обид Содиқов, Тошмуҳаммад Саримсоқов, Саъдихон Сирожиддиновларнинг елкасида туриб оламга боқдик. Бизни деб уларга ҳам осон бўлмагандир. Шундай экан, ёш истеъдодлар ҳақида гапирганда муқаррар суратда уларни кашф этган кекса истеъдодлар авлодини чуқур миннатдорчилик ва шукроналик билан эслаб ўтиш керак. Ўзимиз ҳам, ҳар биримиз, бир вақтлар "ёш истеъдод" бўлганмиз. Бизнинг ҳам пой-қадамларимиз остига поёндоз тўшалмагандир. Лекин ота-онамиз, мактаб муаллимларию, буёғи олий мактаб домлаларидан кимлардир бизга елкасини тутиб берган. Фақат бошда эмас, елкада ҳам гап кўп!

Ҳа, худо қобилияту иқтидордан қисган, алифни калтак деёлмайдиган тантиқ бойваччалар ўзи билади нима қилиш кераклигини. Ёш истеъдод соҳиблари эса фақат ёш истеъдод. Улар ҳеч кимнинг елкасида эмас, аксинча фанимизнинг бутун салоҳияти, миллатимизнинг ёруғ орзу-умидлари, Истиқлол тақдири уларнинг елкасида бўлажак. Уларни асрашимиз керак. Бироқ! Истеъдод ҳимояга муҳтож деб, уни опичлаб юриш ёки шатакка олишга мен қаршиман. Бундай ҳолда у кибр-ҳаво пайдо қилиб, инжиқ "даҳо"га айланиб қолиши ҳам ҳеч гапмас. Чархлаб турилмаса, олмос ҳам оддий бир жисмга айланиб қолиши мумкин. Табиий қийинчиликлар инсонни букмайди, уни янада яшовчан, курашчан, иродали қилади.

С. У.: — Истеъдод шахсий "мулк" эмас, халқ бойлиги. Уни беҳуда сарфлашга ҳеч кимнинг ҳадди сиғмайди. Лекин унга бефарқ бўлинса, ўз-ўзидан сўниб кетиши ҳам мумкин... Бу маънавий жиноят. Шу йилнинг бошида университетимизнинг икки юз аълочи талабасини йиғиб, самимий суҳбат қурганингиз, ҳар бирига қўшимча бир ойлик стипендияси миқдорида мукофот ажратганингиз, уларнинг ота-оналарига ректорат номидан илиқ хат йўллашни таклиф қилганингизни эслаймиз.

Олий мактаб бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ эмас. Таъбир жоиз бўлса, бу ерда илм, маърифат, ғоя, ёш мутахассис "ишлаб чиқарилади". Бинобарин, ТошДУ ҳам давлат бюджети таъминотида фаолият кўрсатади. Лекин шартнома ва битимлар асосида республика вилоятлари, туманлари, шаҳарларининг, саноат корхоналарининг раҳбарлари билан алоқа ўрнатиб, улардан муайян иқтисодий ёрдам олиш масаласига қандай қарайсиз? Биздан: янги илмий ва техникавий натижа билан ёш мутахассислар. Маданий-маърифий хизмат. Улардан: озиқ-овқат маҳсулотлари, мева-сабзавот, хом ашё ва ҳоказо.

Т. Ж.: — Худди шундай мазмунда тўрт ой муқаддам барча вилоятларнинг ҳокимларига жуда илиқ асосли хатлар юборган эдик. Афсуски, ҳозиргача — жимжитлик. Ҳамкорлик қилиш тугул, ҳатто расмий мурожаатимизга бирон жавоб ҳам келгани йўқ.

Ғ. С.: — Э, аттанг! Алишер Навоийнинг бир гаплари шу топда хотирга келади: қурт ўзини қурбон этдию, ипак берди. Ипак қуртича ҳимматинг йўқму?! ("Маҳбубул қулуб"дан). Ҳазрат Навоийнинг ўзлари эса саховатда тенгсиз эдилар.

С. У.: — Фозиллар, санъаткорлар, қўли гул ҳунармандларга мураббийлик ва муқаввийлик(ҳомийлик) қилиш, тарбият ва тақвият кўрсатиш (кўмаклашиш) учун Навоийдек қалби дарё инсон бўлиш керак!

Ғ. С.: — Яқинда бир иш бўлди. Шаҳри Жалолободдан бир ҳазрати инсон марҳум Тилак Жўранинг хонадонига моддий ёрдам бериб юборибди. "Мен бир вақтлар шоир Тилак Жўранинг қўлида ўқиган эдим, журналистика факультетида", дебди.

С. У.: — Ким экан у киши? Исми-шарифлари?

Ғ. С.: — Номини ошкор қилиб бўлмайди. Ўзи тайинлаган. "Устозларим Тилак Жўра билан Ғайбулло ас-Саломнинг шеърий куллиётларини ҳам ўз ҳисобимдан чиройли қилиб чоп эттираман", деб ваъда берибди. "Айтманглар мени" дебди. Ана олийжаноблик! Инчунун, шаръан шундай. Хайр-эҳсон, савоб иш қилган, мурувват кўрсатган одам етти иқлимга жар солмайди. Миннат — ҳаром. Бошларга, қалбларга, кўнгилларга биз мутакаллимлар эккан эзгулик уруғлари ниш ура бошлади, ҳосилга кира бошлади. Насиб этса, ҳосил мўл бўлади.

Т. Ж.: — Зиёвий (интеллектуал) жамғарма башарият ихтиёридаги энг ноёб бойлик саналади. Мамлакатда нодир табиий бойликлар тўлиб-тошиб ётса-да, уларни ишга солувчи, ҳаракатга келтирувчи юқори малакали чапдаст мутахассислар бўлмаса, нима фойда? Бу олтин кони устида ўтирган ношуд, қашшоқ, нотавон одамни эслатади. Ўз табиий бойликлари бўлмаса-да, мамлакатда умумий ақлий заковат баланд бўлса, у ерда фаровонлик, маъмурчилик. Масалан, Япония.

Дунёда абадий нарса йўқ. Ҳаммаси ўткинчи. Ҳатто осмонўпар, соқит ва собит тоғлар ҳам доимий ҳаракатда, емирилишда, улғайиш ва кичрайишда, юксалишдадир. Ҳаракат ва жараёндан холи ҳеч бир ашё йўқ. Инсон ҳам абадий эмас. Ҳеч ким осмонга устун бўлмаган. Бўлолмайди ҳам. Аммо устивор ва боқий бир нарса борки, бу яхшилик. "Қолди Фалондин яхшилиқ" деган бир хотира. Бор-йўғи! Ана шу биргина хотира учун инсон бутун умрини сарфлайди. Бу ҳам кимга насиб этади, кимга насиб этмайди. Ҳар ким ўтирган ўрнида бек. Бизни келажак авлодларга элтувчи мужда, хушхабар — бу яхши ишларимиз, аъмолимиз, каломимиз, китобларимиз, қобил фарзандлару шогирдларимиз. Бу йўлда ҳалибери қиладиган ишларимиз кўп.

# ФАЙЗИЕВ ЛАТИФ ОБИДОВИЧ

Ўзбек миллий кино санъати оғир жудоликка учради. 1994 йил 21 октябрь куни таниқли кинорежиссёр, Ўзбекистон халқ артисти Латиф Обидович Файзиев вафот этди.

Латиф Файзиев 1929 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. 1941 – 45 йилларда Йўлдош Охунбобоев номидаги ёш томошабинлар театри студиясида таҳсил кўриш билан бир вақтда актёрлик фаолияти билан шуғулланди. 1949 йилда Бутуниттифоқ кинематография институтини муваффақиятли тамомлаб, Киев киностудиясида режиссёр ёрдамчиси бўлиб ишлади. Бир неча фильмларда эпизодик роллар ижро этди.

Л. Файзиев 1951 йилдан "Ўзбекфильм" киностудиясида ижод қила бошлади. Ўзек киносининг асосчиси Наби Ғаниев каби улуғ санъаткорлардан кино санъати сирларини ўрганди.

Л. Файзиев яратган фильмлари билан миллионлар қалбидан жой олган, том маънода халқ севган санъаткор эди. Ундан йигирмага яқин бадиий ва ўнлаб ҳужжатли фильмлар мерос қолди.

Л. Файзиев ўзининг илк "Бой ила хизматчи" фильм-спектаклини 1953 йили суратга олди. Сўнгра "Амирликнинг емирилиши", "Қутлуғ қон", "Улуғбек юлдузи", "Наташахоним", "Ватан ўғлонлари", "Ганг узра тонг", "Ватан хизматида", "Аждаҳо ови", "Тақдир эшиги" каби бир қанча бадиий фильмлар яратди.

Кўп йиллар мобайнида Ўзбекистон кинематографчилари уюшмасини бошқарди. Ҳамза театрида режиссёр ва бадиий раҳбар бўлди.

Изланувчан, серғайрат киноижодкор Латиф Файзиев ўзбек ва ҳинд маданияти ҳамкорлигига улкан ҳисса қўшди. Унинг ҳинд кинематографчилари билан ҳакорликда яратган "Алибобо ва қирқ қароқчи", "Севги афсонаси" фильмлари томошабинлар олқишини қозонди.

Латиф Файзиев ўзбек миллий кино санъати ривожи йўлида қилган улкан хизматлари учун "Ўзбекистон халқ артисти" унвони билан тақдирланган эди. Давлат мукофоти, бир неча орден ва медаллар соҳиби эди.

Камтарин инсон, севимли санъаткор, жамоат арбоби, кинорежиссёр Латиф Файзиев хотираси қалбимизда абадий яшайди.

**И. Каримов, Э. Халилов, А. Муталов, Х. Жўраев, С. Саидқосимов, М. Қаюмов, С. Аҳроров, Э. Ҳайитбоев, Р. Ботиров, Н. Раҳимов.**

## *"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА*

Қадрли муштарийлар!

Маълумки, 1995 йил учун мамлакатимиз ғазета ва журналларига обуна давом этмоқда. Аввал хабар берилганидек, "ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" газетасининг йиллик обуна баҳоси 307 сўм қилиб белгиланган эди.

Кўп сонли муштарийларнинг талаб ва истакларини инобатга олиб, муассис – Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши обуна баҳосини ўзгартиришга қарор қилди. Шундай қилиб, "ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" газетасининг 1995 йил учун обуна баҳоси қуйидагича белгиланди:

Фуқаролар учун:

бир йилга – 252 сўм;

олти ойга – 126 сўм;

Корхона ва ташкилотлар учун:

бир йилга – 528 сўм;

олти ойга – 264 сўм;

***"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"га обуна бўлишга шошилинг!***

*Обуна—95*

## МУШТАРИЙЛАР КЎПАЙМОҚДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топган кунинг уч йиллиги арафасида Фарғона вилоятидаги Ўзбекистон тумани тайёрлов идораси бошлиги Абдусалом Йўлдошев ХДП сафига кирди. У байрам муносабати билан жамоасидаги яхши меҳнат қилаётган, илгор ишчи-хизматчилардан 30 кишини "Ўзбекистон овози" газетасига бепул, ташкилот ҳисобидан обуна қилди.

**Азим ПЎЛАТОВ.**

## ҚАДРЛИ МУШТАРИЙЛАР!

***Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-сиёсий, тарихий-бадиий ва миллий "Мулоқот" журналига обуна бўлишни унутмадингизми?***

***ОБУНА БАҲОСИ:***

***бир йилга 64 сўм 80 тийин.***

***олти ойга 32 сўм 40 тийин.***

*Хотира*

# ПАРИЖНИ ЛОЛ ҚОЛДИРГАН ЎЗБЕК

## ЁХУД ҚОДИР БАХШИ ҲАҚИДА СЎЗ

**Раҳматлик Қодир бахшининг туғилган гўшаси йирик тоғлардан бири — Сарғай Отанинг этакларида жойлашган. Хўжамаҳмуд қишлоғининг атрофида ўнлаб кичик-кичик қишлоқчалар бор. Шуларнинг бирини Чалика дейишади. Қодир айни қатағон бошланган 1937 йили шу қишлоқда зиёли оиласида таваллуд топганди. Отаси Раҳим Жабборов ўз даврининг илмли кишиларидан бўлган.**

Бугун 90 ёшни қоралаб қолган Норхол момо шундай ҳикоя қилади:

— Ким нимага ёки кимга суянади билмадим. Лекин мен ёлғиз умримнинг сўнгига суяндим. Қодиржонимни эл таниди. У ўз элини оламга танитди. Афсуски, униям худо кўп кўрди. Қирчиллама ёшида қирчингина кетди. Лекин от ўрнини той босар, деганларидай ота созини, унинг овозини, изини невараларим Қаҳҳоржон, Абдимуроджон, Баҳодир ва Баҳромжонлар олди. Қодиржонимдан 4 ўғил, 5 қиз қолди. Шулар отасининг чироғини ёқиб юрибди. Улар қўзга кўринди-ю, юрагимнинг бенур гўшаларига қайта қуёш мўралади.

Момонинг дардли нигоҳларига қаролмайсан киши. Умуман, Қодир бахши ҳақидаги мунгли хотираларни айтмоққа тилинг, ёзмоққа қўлинг бормайди. Негаки, у бир ёруғ юлдуздай ёниб ўтиб кетди.

— Отам табиийликни яхши кўрар эди, — деб ҳикоя қилади бахшининг тўнғич фарзанди.

У бир қўлида дўмбира, бир қўли билан нурланган юрагини чангаллаб эл оралаб ўтди бу дунёдан. Шу ўринда Қодир ака қуйлаган термалардан бири ёдга тушади:

Мард бўл, мардона бўл, қайтма йўлингдан,
Гапирсанг нур ёғилиб турсин тилингдан,
Заифга ёрдам бер, келса қўлингдан,
Ҳеч қачон номардга ишинг тушмасин.

Қаҳҳор бахши яна отаси ҳақида сўз бошлайди:

— У киши ниҳоятда ишонувчан, содда эди. Табиатан оғир, аммо даврада шўх, жиндак обойчилиги (авайлаб гапириш одати) ҳам бор эди. У Лоқай йиғлаш, Жумағул, Келиной, Ғазалой, Ғарибнома, Сарвиноз, Қўйқайтариш, Дўмбирасозлаш каби ўнлаб нағмаларни берилиб чаларди. Алпомиш, Гўрўғли, Кунтуғмиш, Юсуф Аҳмад, Боборавшан, Юсуф ва Зулайҳо, Вомиқ ва Узро, Авазхон, Зайдуной, Гўрўғлининг туғилиши, Балогардон, Юнус пари, Мисқол пари, Нурали ва Шерали, Бева Барчин, Ёдгор каби 70 га яқин достонни ёддан биларди. У кишидан Ойчинор, Зайдиной, Жарқин мастон, Гули Санобар каби достонлар ёзиб олинган.

Дарвоқе, ўзбек халқ оғзаки ижодининг толмас тарғиботчилари, республикамизнинг етакчи олимлари Малик Муродов, Абдуқаҳҳор Мўминов, Абдуолим Эргашев, Ўрол Ўтаевлар Қодир бахши ижоди ҳақида кўп савобли ишларга қўл ургандилар ҳам. Аммо бу аньана кейин унутилди. Ҳеч ким эсламай қўйди.

Бахшининг яна бир ажойиб фазилати, қуйма қулоқлиги эди. Эшитган ҳар бир нарса хотирасига муҳрланиб қоларди.

Унинг бошқалардан устунлиги ҳеч қачон бирор достонни ўқиб ёдламаган. Табиий биларди. Айниқса, давраларда ҳозиржавоблиги кишини ҳайратга соларди. У бирон кишининг номини термага солганда мутлақо беғараз, ҳазил, мутойибалар билан барчани лол қиларди.

**НОРХОЛ МОМОНИНГ ХОТИРАЛАРИДАН:**

— Уруш тугаганининг дастлабки йиллари. Тўдачорбоғда менинг ота уруғим яшар эди. Улар орасида, айниқса, Ражаб тоғам (Ражаб бахши Нормурод ўғли) эътиборли инсон бўлган. У киши машҳур бахши бўлиш билан бирга ўзи дўмбира ҳам ясарди. Қодирни олиб шу тоғасиникига тез-тез борардим. У боламга меҳрибонлик кўрсатиб менинг чўкиб қолган кўнглимни кўтаргувчийди. Ражаб бахши деҳқонободлик машҳур Умир бахши Сафар ўғли билан сафдош бўлган. Ва ҳар иккаласи ҳам Шеробод достончилик мактабини яратган Шерна бахшининг мухлислари ва шогирдлари эди. Отаси армияга кетганида Қодир уч ёшдайди. Ражаб тоғасиникига ҳар гал эргаштириб борганимда у уй тўрида осилиқ турган дўмбирадан кўз узмасди. Орадан бироз ўтиб буни пайқаган тоғам ўша дўмбирани унга совға қилди. Шу йиллари Қодиржон Хўжамаҳмуддаги Охунбобоев номидаги шарқшунослик институти директори, академик М. Хайруллаев, астрономия институти бўлим мудири Ш. Эгамбердиев, Самарқанд қурилиш-архитектура институти директори Р. Холмуродов бор.

Францияда бўладиган улуғ олим таваллуди тадбирлари ўзбек халқи тарихи ва маданияти ютуқлари намойишига айланади. Ўзбек олимлари бу тадбирларда ўз маърузалари билан қатнашадилар, Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгандан кейин тарихий ва маданий меросимизни кенг ва атрофлича ўрганиш, фан ва техника борасида эришилаётган ютуқлар ҳақида гапириб берадилар.

Улуғбек ҳафталиги тадбирлари ўзбек санъаткорларининг дилрабо мусиқа ва қўшиқлари билан ҳам янада файзли бўлиши кўзда тутилган. Бунинг учун бир гуруҳ таниқли санъаткорлар ҳам делегация билан бирга Парижга учиб кетишди. Улар орасида Ўзбекистон халқ артисти Б. Қориева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист М. Абдуқундузов, республика телерадиоси мақомчилар ансамблининг хонандалари Б. Дўстмуродов, Х. Исмоилов, филармония артистлари М. Сатторова, Р. Зокирова, Э. Исломов, К. Раззоқова, халқ ҳунармандчилиги усталари С. Раҳматуллаев, Р. Юнусова ва бошқалар бор.

**А. ҲОЖИАКБАРОВ.**

**Тошкентдаги нафис санъат мактаби бу йил ҳам одатдагидек иқтидорли ёшларни қабул қилиш учун танлов эълон қилган эди. Куни кеча республика қўғирчоқ театрида бўлиб ўтган мазкур танловда юзга яқин ёш санъаткорлар қатнашди. Шуниси диққатга моликки, шу даргоҳда таълим олаётганлар нафақат рақс сирларини, балки этика ва эстетика, ошпазлик, хуллас, бугунги шарқ аёли учун лозим бўлган барча жиҳатларни ўзида мужассамлаштириш имконига эга бўлади. Шу боис бўлса керак, бу даргоҳга кириш истагини билдиргаклар талайгина.**

**СУРАТДА: Ўзбекистон халқ артисти Малика Аҳмедова ва педагог хореограф Елена Вишинская нафис санъат мактаби ўқувчилари билан.**

**А. РИСҚИЕВ (ЎзА) олган сурат.**

## ФРАНЦИЯДА УЛУҒБЕК ҲАФТАЛИГИ

Буюк ўзбек олими ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ЮНЕСКО идораси Франциянинг пойтахти Париждаги қароргоҳида Мирзо Улуғбек ҳафталигини ўтказиш юзасидан бир қатор тадбирлар ҳозирлади. Шу муносабат билан у ерда бўладиган таваллуд маросимларида Ўзбекистон Республикаси вакиллари ҳам қатнашадиган бўлдилар. Куни кеча махсус делегация Парижга жўнаб кетди. Унинг таркибида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари М. Шарифхўжаев — гуруҳ раҳбари, Самарқанд шаҳар ҳокими А. Носиров, Ўзбекистон Фанлар Академияси Беруний

*Соғлом авлод учун*

# ЮРТНИНГ ОБОДЛИГИ — САЛОМАТЛИКДИР

***Бугунги кунда оналар саломатлигини яхшилаш, она ва болага кўрсатиладиган тиббий хизмат турлари ва ҳажмини кўпайтириш борасида республика соғлиқни сақлаш тизими ходимлари муҳим ташкилий ишларни амалга ошираётир. Лекин шунга қарамасдан мамлакатимизнинг бир қанча вилоятларида болалар ўлимининг камайиши кам кузатилаяпти. Бунинг асосий сабаблари... Бу саволга Қорақўл тумани марказий поликлиникасининг бош ҳакими Жуманазар Бегиев шундай жавоб берди:***



— Республикамизнинг иссиқ иқлими, табиий шароити, айниқса, ёз ойларида ёш болалар ўртасида ич кетиши билан кечадиган кўпгина ўткир ичак хасталикларининг авж олишига шароит яратади. Ёз-куз ойларида ҳаётдан кўз юмган чақалоқларнинг 60-70 фоизи ана шу касалликлар туфайли нобуд бўлаётганликлари сир эмас.

Биз бугунги кунда бу турдаги салбий ҳодисаларнинг такрорланмаслиги учун поликлиникамиз қошида Японияда келтирилган тиббий мосламалар ёрдамида бола туғилмасдан олдин ҳомиладор аёлларда текшириш ишлари ўтказмоқдамиз. Ҳомиланинг дастлабки уч-тўрт ойлигида она аҳволини ўрганиш ва бу вазиятда содир бўладиган касалликларнинг олдини олиш имкониятларини яратганмиз. Ундан ташқари, туман ҳокимлигининг қўллаб-қувватлаши туфайли катта маблағ эвазига янги туғруқхона фойдаланишга топширилди. Бу республикамиз Президентининг "Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги фармонининг исботидир.

Буйрак касаллиги билан оғриган ҳомиладорлар учун даволаш ўринлари ташкил қилинган бўлиб, бу даво масканида урологлар, неврологлар ҳамкорликда иш олиб боришаяпти. Беморлар бактериологик ва рентгенологик текширувлардан ўтказилмоқда. Икки ой давомида Бухоро тиббиёт институтининг "травматология" кафедрасидан келган етук мутахассислар билан биргаликда туманимиз аҳолиси ўртасида буйрак-тош касаллигининг кўпайиш даражаси ва ундан келиб чиқадиган асоратлардан бири — беморларнинг бўғинларида тузларнинг ўрнашиб қолаётганлиги тўғрисида чуқур текширишлар ўтказилди.

— Маълумки, туманда экологик вазиятнинг ёмонлашганлиги, сувнинг табиий шўрланиш даражаси ошиб бораётганлиги ҳам аҳоли саломатлигига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Бу борада олиб борилаётган амалий ишлар, кўрилаётган чора-тадбирлар хусусида фикрингиз?

— Кейинги пайтда бундай экологик муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларидан бири кимёвий ўғитларнинг қишлоқ хўжалигида кўплаб ишлатилиши бўлса, иккинчи томондан сувнинг табиий шўрланиш даражасининг юқорилигидир. Кейинги пайтда тиббий кўрикдан ўтказилган туман аҳолисининг ҳар минг нафаридан 40-42 тасининг буйрагида касаллик топилди. Булар асосан, буйракда қум ва тузларнинг тўпланиб қолиши ҳамда турли яллиғланишлардан иборат. Бу касаллик турининг, айниқса, ёш болалар орасида кўплаб учраётганлиги ташвишлидир.

Яна бир ачинарли томони, баъзи касалликлар наслдан наслга ўтмоқда. Бу эса айрим болаларнинг чала туғилишига сабаб бўлаётир. Бир қанча ҳомиладор аёллар камқонлик, юрак, буйрак, жигар ва бошқа хасталикларга чалингани учун туғиш чоғида уларнинг ҳаёти хавф остида қолаётир.

Туманимизда кейинги пайтларда кўрилган муҳим чоралар туфайли бундай кўнгилсизликларнинг олди олинмоқда, ҳомиладор аёллар ва болаларнинг оғир касалликларга чалиниши анча камайди. Бунга болаларни эмлашнинг юқори даражада бўлиши ҳамда ерлик аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш орқали эришилди.

— Ҳаммамизга аёнки, бу йил — БМТ томонидан "Оила йили" деб эълон қилинди. Шифокор сифатида наслимизнинг соғлом бўлиши учун ота-оналар нималарга эътибор беришлари лозим деб ўйлайсиз?

— Дарвоқе, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳозирги пайтда тиббиётнинг энг муҳим соҳаси бўлиб, бу хусусда ҳукуматимизнинг алоҳида ғамхўрлик қилаётгани қувончлидир. Республикамизни ҳар томонлама юксалтиришда соғлом, жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаш давлат аҳамиятига молик вазифа деб белгиланган. Шу ўринда "Соғлом авлод учун" нишонининг таъсис этилиши бунинг ёркин далилидир. Жаҳон тажрибасида биринчи бўлиб "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармасининг ташкил қилиниши ҳам эътиборга молик масаладир. Ушбу жамғарма ёш авлодни соғломлаштириш дастурида кўзда тутилган энг муҳим масалалар юзасидан илмий тадқиқотларни биринчи навбатда ривожлантириш, болалар касалхоналари ва туғруқхоналарни асбоб-ускуналар ва дори-дармонлар билан тезроқ таъминлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишни кучайтириш каби ишларни амалга оширади.

Наслимиз саломатлигига эришишда ота-оналаримизга шуни таъкидлаш ўринли: соғлом авлод оила, боғча, мактаб, ўқув юртлари ҳамда спорт ташкилотларининг ҳамкорликдаги фаолиятлари Ватанимизнинг келажаги — фарзандларимизнинг жисмоний, ақлий ва маънавий камол топиши учун қулай шарт-шароитлар яратади. Шундай экан, барча диққат-эътибор, ҳаракатни кўпроқ касалликларга эмас, балки унинг олдини олишга сарфлаш мақсадга мувофиқ. Ана шундагина наслимиз соғлом, юртимиз бой бўлаверади.

**Соҳибжон САЛИМОВ суҳбатлашди.**

*Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!*

# ҚЎЛБОЛА АРОҚ "ИЖОДКОРЛАРИ"

Паркент тумани ички ишлар бўлими ходимлари гиёҳванд ичимликларни тайёрловчи ва уларни ноқонуний савдо қилувчи фуқароларнинг қилмишларини фош этишяпти.

Айниқса, Ғ. Ҳожорат дўконларида сотилаётган турли спиртли ичимликларнинг барчаси давлат корхоналарида тайёрланган маҳсулотлар бўлиб чиқмаяпти.

Паркентлик милиция ходимлари вилоят иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш бўлими ҳамда туман солиқ инспекцияси ходимлари билан ҳамкорликда шаҳардаги Халилов кўчаси 24 - уйда яшовчи Шокир Эшматовнинг хонадонидан 1665 шиша қўлбола ароқ борлигини аниқлашди.

Қўрилган тезкор чоралар натижасида бу ароқлар Чилонзор туманида яшовчи "М"исмли фуқаро хонадонида тайёрланганлиги маълум бўлди. "М"нинг уйидан 217 та шиша қўлбола "Рус ароғи", бўш шишалар, шиша ёпқичлар ва 20 литр ўткир ҳидли суюқлик топилиб, далилий аше сифатида олинди.

Ушбу факт бўйича тергов ҳаракатлари олиб бориляпти.

**Р. ЁДГОРОВ.**

**ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!**

Ўзбекистон акциядорлик, тижорат, саноат-қурилиш банки жамоаси бошлиғи Ҳакимжон Бобоназаровга волидаи муҳтарамаси **Нарзигул БОБОНАЗАРОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.


*Қашқадарё вилоят кўчмас мулк биржаси 1994 йил 28 октябрда ким ошди савдосини ўтказади. Навбатдаги савдога қуйидаги иншоотлар қўйилади:*

**ДЕҲҚОНОБОД ТУМАНИ МАТЛУБОТ ЖАМИЯТИГА ҚАРАШЛИ БЎРДОҚИЧИЛИК БАЗАСИ БИНОСИ**

Деҳқонобод туманининг Деҳқонобод посёлкасида, дарё ёқасида, Тошкент—Термез йўли ёнида жойлашган. Бир қаватли, атрофи тош деворлар билан ўралган.

*Умумий майдони — 5000 кв.метр.*
*Дастлабки баҳоси — 20 минг сўм.*

**ҚАМАШИ ТУМАНИ КОММУНАЛ ФОЙДАЛАНИШ БОШҚАРМАСИГА ҚАРАШЛИ 2-СОНЛИ ҲАММОМ БИНОСИ**

Қамаши туманидаги Гулшаний кўчасида жойлашган. 1қаватли ғиштли бино, ювиниш хоналари эркаклар учун алоҳида, хотин-қизлар учун алоҳида қилиб қурилган. Ичида бассейни бор. Ҳаммомнинг ўзи 300 кв. метр. Ҳовлисида 4-5 йиллик мевали дарахтлар бўлиб, сим девор билан ўралган.

*Умумий ер майдони — 2000 кв. метр.*
*Дастлабки баҳоси — 100 минг сўм.*

**ШАҲРИСАБЗ ТУМАНИ МАТЛУБОТ ЖАМИЯТИГА ҚАРАШЛИ 7-СОНЛИ ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИ САВДО ДЎКОНИ**

Шаҳрисабз тумани Тошкент — Термиз йўли ёқасида жойлашган. Бир қаватли металл конструкцияли ойнаванд бино. 2 та савдо зали ва омборхонаси бўлиб, 500 кв.метр майдонга эга.

*Дастлабки баҳоси — 20 минг сўм.*

**«КЕШ» МЕҲМОНХОНАСИ**

Шаҳрисабз шаҳар А. Темур кўчасида жойлашган. 3қаватли ғиштли бино. 1989 йилда фойдаланишга топширилган, 103 ўриндан иборат: шулардан 1 ўринли 3 хона, 2 ўринли 48 хона, юмшоқ ўринли 4 хонадан иборат. Ёнида ресторан бор, хоналарда душ ва ҳожатхонаси мавжуд, иситиш тизимлари марказий иссиқлик қувурига уланган, меҳмонхонанинг орқа ва олдида пиёда йўлаклари бўлиб, гулзори ҳам бор. Орқа томонларида автомашина сақлаш майдончаси бор, атрофида мевали ва мевасиз дарахтлар экилган, ёзги павильон орқа томонида жойлашган.

*Умумий майдони — 2600 кв. метр.*
*Бошланғич баҳоси — 280 минг сўм.*

**ЧИРОҚЧИ ТУМАНИ ПАРРАНДАЧИЛИК ФАБРИКАСИГА ҚАРАШЛИ «ГРИЛЬ БАР» ҚАҲВАХОНАСИ**

Ушбу қаҳвахона Чироқчи тумани марказида жойлашган бир қаватли ғиштли бино, ён тарафи кўкаламзорлаштирилган, орқа тарафида шоҳбекат жойлашган бўлиб, Қарши — Шаҳрисабз йўли «Гриль бар» ёнидан ўтган.

*Умумий ер майдони — 6000 кв. метр.*
*Дастлабки баҳоси — 60 минг сўм.*

**ҚАРШИ ШАҲАР МЕВА-САБЗАВОТ КОРХОНАСИГА ҚАРАШЛИ 16-СОНЛИ МЕВА-САБЗАВОТ ДЎКОНИ**

Косон шаҳри марказида жойлашган. Бир қаватли ғиштдан қурилган. Олд тарафидан марказий йўл ўтган, гавжум жойда жойлашган.

*Умумий майдони — 60 кв.метр.*
*Дастлабки баҳоси — 55 минг сўм.*

**ҚАРШИ ТУМАНИДАГИ «АВРОРА» ҚЎРҒОНИДАГИ ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН ҲАММОМ БИНОСИ**

Қарши туманидаги «Аврора» қўрғонининг аҳоли гавжум марказий кўчасида жойлашган. 1 қаватли ғиштли бино, миллий услубда қурилмоқда. Ҳозирги кунда қурилиш-монтаж ишлари 50 фоизга бажарилган.

*Дастлабки баҳоси — 30 минг сўм.*

**НИШОН ТУМАНИ САВДО ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИГА ҚАРАШЛИ ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН ЧОЙХОНА БИНОСИ**

Янги Нишон шаҳри Огаҳий кўчасида жойлашган. 1 қаватли ғиштли бино. Қурилиш ишлари 70 фоизга бажарилган.

*Умумий ер майдони — 0.64 га. ни ташкил қилади.*
*Бошланғич баҳоси — 70 минг сўм.*

**ҚАРШИ ШАҲРИ ЭСКИ БОЗОР ДАҲАСИДА ЖОЙЛАШГАН ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН САВДО МАРКАЗИ**

Эски бозорнинг орқа тарафида, кўл бўйида жойлашган бўлиб, темир бетондан қурилмоқда. Савдо учун қулай аҳоли гавжум жойда жойлашган. Ён тарафидан катта йўл ўтади.

*Дастлабки баҳоси — 100 минг сўм.*

**ҚАРШИ ШАҲАР ЎЗБЕКИСТОН КЎЧАСИДА ЖОЙЛАШГАН «РОҲАТ» ЧОЙХОНАСИ**

Темир йўл бекати ёнида жойлашган, 2 қаватли ғиштли бино. Олд тарафи темирпанжара билан ўралган бўлиб, атрофи кўкаламзорлаштирилган. Ён тарафида колхоз бозори ва савдо расталари жойлашган. Чойхонада ҳар хил миллий таомлар пиширилади, қарнялар учун ёғоч сўрилар мавжуд.

*Умумий майдони — 2000 кв. метр.*
*Дастлабки баҳоси — 50 минг сўм.*

*Мурожаат учун телефонлар:*
*Қарши ш. 4-40-78, 4-52-86, 4-47-67.*
*Тошкент ш. 67-32-71.*

*Кўчмас — ўлмас сармоядир!*



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Жиззахда — 3-31-86; Нукусда — 7-58-83; Самарқандда — 35-22-90;
Бухорода — 3-54-87; Навоийда — 3-74-76; Қаршида — 3-25-79; Урганчда — 6-51-35;
Гулистонда — 2-26-22; Наманганда — 6-43-43; Қумқўрғонда — 52-624; Фарғонада — 26-37-16.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А – 2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.00. Г – 1181, 72841 нусхада босилди.

Навбатчилар: О. НАЗАРОВ, М. ҚИЁМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт - матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41 - уй.

123456.